БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 62 (1324)
26 МАРТ ПАЙШАНБА 1959 ИИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Кеча Ўзбекистон ССР бешинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Олий Совет „Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида“ бир овоздан Қонун қабул қилди.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Кеча, 25 мартда Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг VI пленуми бўлиб ўтди.

Пленум қуйидаги масалаларни кўрди:

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг «Тошкент область партия комитетининг область халқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлари тўғрисида»ги қарори.

2. Ташкилий масалалар.

Пленум биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Р. Е. Мельниковнинг ахборотини тинглади.

Музокараларда В. Ткаченко, А. Гостев, Ҳ. Жалилов, И. Раҳматов, Ф. Хўжаев, Қ. Укубоев, И. Ҳуснитдинов, А. Ортиқов, Б. Г. Мирзабеков, С. Нуриддинов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Тошкент область партия комитетининг область халқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлари тўғрисида»ги қарорини раҳбарлик ҳамда оғишмай бажариш учун қабул қилди ва область партия комитети бюросига, область ижроия комитетига, шаҳар партия комитетлари ва шаҳар ижроия комитетларига, район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига бу қарорни амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Пленум ўртоқ С. Н. Нуриддиновни унинг илтимосига мувофиқ область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Ўртоқ Расул Ғуломович Ғуломов область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Ўртоқ А. С. Абдалин бошқа ишга ўтганлиги сабабли область партия комитетининг иккинчи секретари вазифасидан ва бюро аъзолигидан озод қилинди.

Ўртоқ Семен Михайлович Веселов область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Ўртоқ Б. Г. Мирзабеков Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни область партия комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Ўртоқ Эркин Турдиевич Шайхов область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Ижодий ташкилотларнинг муҳим вазифаси

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиз халқларининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятининг муттасил равнақ топиб бориши ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда фан ва маданият аҳлларининг ижодий камол топишлари, коммунистик жамият қураётган халқимизга янада яхшироқ хизмат қилишлари учун зарур бўлган ҳамма шароитлар яратиб берилган.

Совет халқининг ижодий ютуқлари, совет маданияти, фани ва техникаси эришган порлоқ муваффақиятлар бутун дунёни қойил қилмоқда. Ернинг биринчи сунъий йўлдошларининг космосга парвоз этиши, биринчи сунъий планетанинг қуёш атрофида айланиб юриши халқимиз эришган ана шу муваффақиятларнинг беқиёс чўққиси бўлди.

Ижодий интеллигенциямизнинг бутун таланти, билим ва хизмати буюк Ватанимиз ва бахтиёр халқимизнинг истиқболига қаратилган. Фан ва маданият соҳасида самарали хизмат қилиб келаётган арбобларимиз, адабиёт ва санъатнинг пешқадам намоёндалари халқимизни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантиришда ўзларининг ижодий ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Партиямиз ижодий ташкилотлар ишини янада жонлантириш, мамлакатимизда санъат ва адабиётни янада тез суръатлар билан ривожлантириш соҳасида жуда катта ишлар олиб борди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлайлик» деган мақоласи совет адабиёти ва санъатини яна ҳам ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳужжатда партиянинг адабиёт ва санъат соҳасидаги сиёсатининг туб қоидалари назарий жиҳатдан асосланди, адабиёт ва санъат тараққиётининг бош йўли, партиявийлик ва халқчиллик тушунчаларининг моҳияти марксча-ленинча таърифлаб берилди.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлигини сезиб турган ижодий интеллигенциямиз ўз ижодий ишларида катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бошқа қардош республикаларда бўлганидек, бизнинг республикамизда ҳам фан ва маданият соҳасида ижодий гайрат булоқдек қайнаб тошмоқда. Халқимизнинг фан ва маданияти гуллаб-яшнамоқда. Республикамиз ёзувчилари, рассомлари, санъаткорлари халқимизнинг улуғ ишлари ҳақида ажойиб полотнолар яратмоқдалар. Яқинда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР санъати ва адабиёти декадаси халқимизнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти нақадар барқ уриб яшнаётганлигининг, республикамизда маданий революция туфайли эришилган ажойиб муваффақиятларнинг порлоқ намойиши бўлди.

Ёзувчиларимиз ва санъаткорларимиз декадага ўзларининг янги асарларини олиб бордилар. Москва музейларида рассомларимизнинг катта полотнолари кўрсатилди, театрларда ўзбек драматургларининг саҳна асарлари намойиш қилинди, концерт залларида композиторларимизнинг йирик музика асарлари тингланди. Москва китобхонлари ёзувчиларимизнинг турли жанрларда ёзилган 400 га яқин асарлари билан таништилар.

Республикамиз ёзувчилари ва санъаткорларининг кейинги йилларда эришган ижодий муваффақиятлари юксак баҳоланди. Санъаткорларимиздан беш кишига СССР халқ артисти деган юксак унвон берилиши ва санъат ҳамда адабиёт ходимларининг катта бир группасининг СССР орденлари ва медаллари билан мукофотланишлари ана шу юксак баҳонинг ёркин далилидир.

Республикамиз ёзувчилари ва санъаткорлари халқимизнинг ижодий меҳнатини қўйламоқдалар, улар ҳозирги замон темасида ёзилган, гоявий жиҳатдан юксак ва бадиий жиҳатдан порлоқ асарлар яратмоқдалар.

Лекин қўлга киритилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмаслик керак. Мамлакатимиз коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврига кирган ҳозирги шароитда ижодий ходимларимиз олдида жуда катта вазифалар турибди. Халқимизнинг тобора ўсиб бораётган талабларига жавоб берадиган, коммунизм улуғ ишига хизмат қиладиган асарлар яратиш, меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш ижодий ташкилотларнинг муҳим вазифасидир.

Партиямизнинг тарихий XXI съезди қарорларида ижодий ташкилотлар ва кадрлар олдида турган катта ва шарафли вазифалар кўрсатиб ўтилган. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг съездда қилган докладида таъкидлаб ўтилганидек етти йиллик планнинг асосий вазифаларидан бири партиянинг гоявий-сиёсий ишини кучайтиришдан, меҳнаткашларнинг ва биринчи навбатда ўсиб келаётган авлоднинг коммунистик онглилигини оширишдан, уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялашдан, капитализмнинг кишилар онгида сақланиб қолган сарқитларини енгиб ўтишдан, буржуа идеологиясига қарши кураш олиб боришдан иборатдир.

КПСС XXI съезди кўрсатмаларини амалга оширишда, меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашда ижодий ташкилотлар, шонли интеллигенциямиз асосий роль ўйнайди. Партия ижодий ходимлардан — адабиёт ва санъат аҳлларидан кутаётган энг асосий нарса — бу гоявий жиҳатдан юксак, бадиий маҳорат жиҳатидан ёркин асарлардир. Ёзувчиларимиз ўз китобларида қаҳрамон совет халкининг ҳаётини, интилишларини, орзу-умидларини, фидокорлигини, жўшкин революцион гайратини ва шаҳар ҳамда қишлоқдаги улуғ ўзгаришларни, янги совет кишиси, коммунизм қурувчиларнинг ажойиб маънавий қиёфаларини муносиб тарзда акс эттиришлари, кишилар онгидаги эскилик сарқитлари қандай қилиб емирилиб бораётганлигини кўрсатиб беришлари керак. Халқимиз орасида ёзувчиларимизга тема бўладиган ажойиб ватанпарварлик ишлари қилинмоқда. Совет қишлоғи, жўшқин ҳаётимиз қаламкаш устозлардан янги полотнолар кутмоқда. Саноат корхоналарининг новаторлари, қишлоқ хўжалигининг миришкорлари, коммунистик меҳнат бригадалари ҳаёти, интеллигенциямизнинг ижодий ютуклари ҳақида янги асарлар яратиш — ёзувчи ва санъаткорларимизнинг шарафли вазифасидир.

Қаҳрамон халқимизнинг меҳнат пафосини таранним этувчи, совет кишиларининг янги зафарларга илҳомлантирадиган гоявий юксак, бадиий ўткир, улуғ замонамизга мос асарлар яратайлик!

Ўзбекистон ССР Олий Советининг

Қ А Р О Р И

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини сайлаш ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми қуйидаги составда сайлансин:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ёдгор Содиқовна **Насриддинова**, Фарғона область Чимён сайлов округидан депутат;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари:

Игорь Васильевич **Бабков**, Андижон область Хўжаобод сайлов округидан депутат;

Матеке **Жуманазаров** — Қорақалпоғистон АССР Кегейли сайлов округидан депутат;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Жўра Илҳомовна **Илҳомова**, Тошкент область Бричмулла сайлов округидан депутат;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари:

Карим **Асилбеков** — Тошкент область Бўстонлиқ сайлов округидан депутат;

Ҳаким Жалилович **Жалилов** — Тошкент область Намданак сайлов округидан депутат;

Қодир Зокирович **Зокиров** — Андижон область Кулла сайлов округидан депутат;

Мирзаолим **Иброҳимов** — Наманган область Уйчи сайлов округидан депутат;

Азиз Мавлонович **Қодиров** — Тошкент шаҳар Темир йўл сайлов округидан депутат;

Роман Ефимович **Мельников** — Бухоро область Бухоро шаҳар Сталин сайлов округидан депутат;

Георгий Кузьмич **Платоненков** — Тошкент шаҳар Марказий сайлов округидан депутат;

Тамара Михайловна **Познякова** — Тошкент область Бўзсув сайлов округидан депутат;

Садди **Пўлатова** — Тошкент шаҳар Дзержинский сайлов округидан депутат;

Очаором **Рафиқова** — Фарғона область Ровон сайлов округидан депутат;

Мадраим Раҳмонович **Раҳмонов** — Хоразм область Хива шаҳар сайлов округидан депутат;

Шароф Рашидович **Рашидов** — Самарқанд область Самарқанд шаҳар сайлов округидан депутат;

Абдулхай **Тоиров** — Наманган область Правда сайлов округидан депутат.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1959 йил 25 март
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг

Қ А Р О Р И

Ўзбекистон ССР ҳукумати—Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузиш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР ҳукумати — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидаги составда тузилсин:

Ориф Алимович **Алимов** — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси;

Александр Никитович **Рудин** — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг Биринчи ўринбосари;

Мирзаали **Муҳаммаджонов** — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари;

Сарвар Олимжонович **Азимов** — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри;

Иван Васильевич **Стрельцов** — Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри;

Тожиддин Азимович **Жалилов** — Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри;

Василий Андреевич **Бильбас** — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри;

Рауф **Соатов** — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри;

Собир Муҳаммедович **Муҳаммедов** — Ўзбекистон ССР Маданият министри;

Эминжон **Қодиров** — Ўзбекистон ССР Маориф министри;

Михаил Андреевич **Шарков** — Ўзбекистон ССР Алоқа министри;

Жўра **Хоназаров** — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри;

Васила Содиқовна **Содиқова** — Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министри;

Суннат Иброҳимович **Иброҳимов** — Ўзбекистон ССР Қурилиш министри;

Ҳабиб Орипович **Маърупов** — Ўзбекистон ССР Савдо министри;

Вали Муродович **Муродхўжаев** — Ўзбекистон ССР Молия министри;

Муҳиддин Пўлдошевич **Курбонов** — Ўзбекистон ССР Нон маҳсулотлари министри;

Саидкарим **Зиёдуллаев** — Ўзбекистон ССР Давлат план комиссиясининг раиси;

Аъзам **Хўжаев** — Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР министри;

Иван Макарович **Нажесткин** — Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси раисининг биринчи ўринбосари; Ўзбекистон ССР министри;

Аҳмад **Саримсоқов** — Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР министри;

Соҳиб Нусратович **Нусратов** — Бухоро иқтисодий-маъмурий район Халқ хўжалиги кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР министри;

Пиржон **Сеитов** — Қорақалпоқ иқтисодий-маъмурий район Халқ хўжалиги кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР министри;

Муҳаммад Шералиевич **Мирқосимов** — Самарқанд иқтисодий-маъмурий район Халқ хўжалиги кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР министри;

Эргаш **Эгамбердиев** — Тошкент иқтисодий-маъмурий район Халқ хўжалиги кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР министри;

Абдулла **Султонхўжаев** — Фарғона иқтисодий-маъмурий район Халқ хўжалиги кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР министри;

Мунавар Турсунович **Турсунов** — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Совет Контроль Комиссиясининг раиси;

Муҳаммад Тошевич **Уразбоев** — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети илмий-техника комитетининг раиси;

Александр Васильевич **Курганов** — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қурилиш ва архитектура ишлари бўйича Давлат комитети раиси;

Алексей Петрович **Бизов** — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат Хавфсизлик Комитетининг раиси;

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 48-моддасига мувофиқ ўз лавозимига кўра:

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Қалибек **Камолов** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1959 йил 25 март
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1959 йил 25 мартдаги мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

25 мартда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР бешинчи чақириқ Олий Советининг учинчи мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **Р. Ғ. Ғуломов** раислигида ўтган бу мажлисда «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССР да халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги докладни муҳокама қилиш давом этди. Докладни муҳокама қилишда Андижон область ижроия комитетининг раиси **А. Ҳ. Ҳайдаров**, депутат **М. И. Йўлдошев** (Тошкент шаҳар, Гвардия сайлов округи), депутат **А. Матқобулов** (Тошкент область, Қибрай сайлов округи), депутат **И. М. Мўминов** (Тошкент шаҳар, Чапаев сайлов округи), депутат **С. Тоштемиров** (Фарғона область, Маргилон сайлов округи), депутат **А. М. Қўчқоров** (Бухоро область, Эҳсом сайлов округи), Меҳнат резервлари Ўзбекистон республика бошқармасининг бошлиғи **Г. И. Инжелевскийлар** қатнашдилар.

Музокаралар тамом бўлгандан кейин Олий Совет «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССР да халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида» бир овоздан Қонун қабул қилди.

Сўнгра Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалага ўтди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Ж. И. Илҳомова** доклад қилди.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари министрлигининг қайта ташкил қилиниши ва Ўзбекистон ССР Юстиция министрлигининг тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Конституциясининг 50- ва 51-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида, шунингдек автомобиль йўлларини қуриш ва ремонт қилишда колхоз, совхозларнинг, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа корхоналарнинг ҳамда хўжалик ташкилотларининг иштироки тўғрисида Қонунлар қабул қилди. Бундан ташқари, республика Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР маъмурий-территориал бўлинишидаги баъзи ўзгаришлар тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР бешинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси шу билан тамом бўлди.

Ҳаво йўли тўғрисида Совет-Англия битими кучга кирди

1959 йил 24 мартда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Буюк Британиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси сэр Патрик Райли Совет Социалистик Республикалари Ҳукумати билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги Ҳукумати ўртасида ҳаво йўли тўғрисида 1957 йил 19 декабрда Лондонда имзоланган Битимнинг кучга кириши ҳақида нотолар айирбошладилар.

Мазкур Битим 1959 йил 24 мартда кучга кирди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ АМЕРИКАЛИК АРБОБЛАР МАКТУБИГА ЖАВОБИ

Америкадаги кўзга кўринган сиёсий арбоблар, олимлар ва саноатчилардан 22 киши ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида СССРнинг Вашингтондаги элчиҳонаси орқали СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев номига мактуб юборишдилар. Шунга ўхшаш мактублар АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга ва Буюк Британия бош министри Г. Макмилланга ҳам юборилган.

Н. С. Хрушчевнинг америкалик арбобларга юборган жавоб мактубида бундай дейилади: Совет ҳукумати ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битим тузилишига катта аҳамият бермоқда. Биз шу нарсага чуқур аминмизки, дейилади жавобда, бундай битимнинг тузилиши атом ва водород қуролларини тамомила тақиқлаш йўлидаги биринчи муҳим қадам бўлур эди. Совет ҳукумати Женева кенгашининг муваффақиятли ўтиши учун кўп иш қилди. Аммо ҳозирги вақтда Женева кенгашида шундай аҳвол вужудга келдики, бу аҳвол бизни жиддий суратда ташвишлантиради.

АҚШ ва Буюк Британия делегацияларининг ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида бир битимга келиш учун ҳаракат қилишлари бир ёқда турсин, балки улар, аксинча, бу масала юзасидан битим тузилишига йўл қўймаслик мақсадида қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар. Женева кенгашининг ишлари тўрт ойдан кейин ҳақиқатда, ғарб давлатларининг позицияси орқасида, боши берк кўчага кириб қолди ва кенгашнинг тўхталиб қолиш хавфи туғилди.

Н. С. Хрушчев америкалик арбобларнинг кенгаш томонидан ишлаб чиқилиши лозим бўлган контроль системаси реал ҳамда «ҳамма оқилона ғалабаларга жавоб берадиган» бўлиши лозим, деган фикрига тўла равишда қўшилганлигини билдиради.

Н. С. Хрушчев америкалик арбобларга қарата ёзадики, ғарб давлатлари, ниҳоят, ҳамма жойда ядро қуроли синовларини абадий тўхтатиш тўғрисида бир битимга келиш имконини берадиган конструктив позицияни эгаллайдилар, деб умид қилишни истар эдик. Совет ҳукумати эса ядро қуроли синовларини тўхтатишдан иборат зарур вазифани ҳал этишга эришмоқ учун бутун кучини сарф қилмоқда ва сарф қилади. Бу чора қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш ва янги уруш хавфини йўқотиш учун катта аҳамиятга эга бўлур эди. (ТАСС).

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XII СЪЕЗДИ

Катта Кремль саройида СССР касаба союзларининг XII съезди давом этмоқда. 24 март эрталабки мажлисда ВЦСПСнинг иши тўғрисидаги ҳисобот докладлари ва КПСС XXI съездининг қарорлари муносабати билан СССР касаба союзларининг вазифалари ва Ревизия комиссиясининг иши ҳақидаги докладлар юзасидан музокаралар давом этди.

Раислик қилувчи ўртоқ А. И. Шевченко мажлисни очиб айтдики, мамлакатнинг ҳамма қисмидан съезд номига табриклар ва меҳнат совғалари тўғрисида корхоналар, шахталар, промислолар, қурилишлар ходимларидан рапортлар олинмоқда. Ўртоқ Шевченко табрик ва рапортлар юборган коллективларга съезд номидан ташаккур изҳор қилди ва уларнинг бундан кейинги ишларида муваффақиятлар тилади.

24 март эрталабки мажлисда Қозоғистон касаба союзлари республика Советининг раиси **С. Тўқмисов**, Пермь область, Лита заводи прокатчилар бригада бошлиғи, завод касаба союз комитетининг аъзоси **Н. Д. Гладких**, Белоруссия касаба союзлари республика Советининг раиси **И. Н. Макаров**, Молдавия ССР, Вулканешти районидаги ўрта мактабнинг ўқитувчиси **Р. А. Кулаксиз**, Горькийдаги автомобиль заводи касаба союз комитетининг раиси **М. В. Максимов** ва Свердловск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **С. А. Степанов** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Польша касаба союзлари Марказий советининг раиси **Игнаций Лога-Совиньский**, Франция Умумий меҳнат конфедерациясининг бош секретари **Бенуа Фрашон**, Чехословакия касаба союзлари Марказий комитетининг раиси **Франтишек Зупка**, Италия Умумий меҳнат конфедерациясининг бош секретари **Агостина Новелла** ва эркин немис касаба союзлари бирлашмаси Марказий правлениеси раисининг ўринбосари **Отто Лемман** ўртоқлар съезд делегатларини қизғин табрикладилар.

СССР касаба союзлари XII съездининг кечки мажлисида музокаралар қишлоқ хўжалиги ва маҳсулот тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Марказий комитетининг раиси **С. В. Егураздов**, Таллин машинасозлик заводи мастери **А. К. Вендер**, Липецк трактор заводининг директори **В. Я. Клименков**, Тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи Иваново область комитетининг раиси **А. И. Лаврова**, Венгрия Халқ Республикаси касаба союзлари Марказий советининг бош секретари **Шандар Гашпар**, Латин Америкаси меҳнаткашлари конфедерациясининг раиси **Ломбардо Толедано**, Руминия Халқ Республикаси касаба союзлари Марказий совети раисининг ўринбосари **Антон Мойсеску**, Умум Ҳиндистон касаба союзлари конгрессининг вакили касаба союзлари Тамилнад конгресси бош секретари **Ганесан**, Индонезия миллий ишчилари касаба союз маркази раисининг ўринбосари **Рашид Эмас** ўртоқлар сўзга чиқиб гапирдилар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг раиси ўртоқ **М. М. Мусахонов** айтдики, ВЦСПС мамлакатда альпинизм ва туризмни ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериши лозим. Ўзбекистонда бунинг учун табиий шароит мавжуддир. Лекин республикада шу вақтгача яхши ташкил этилган альпинист лагерлари ва туризм базалари йўқ.

Мандат комиссиясининг раиси ўртоқ **П. Е. Бармасов**га доклад қилиш учун сўз берилади.

Мандат комиссиясининг доклади бир оғиздан тасдиқланди.

Шунингдек музокараларда нефть ва кимё саноати ишчилари касаба союзи Марказий комитетининг раиси ўртоқ **В. А. Иванов**, Грузия касаба союзлари республика советининг раиси ўртоқ **М. М. Лелашвили**, Озарбайжон касаба союзлари республика советининг раиси ўртоқ **К. А. Гусейнов** ҳам сўзга чиқдилар.

СССР касаба союзларининг XII съезди 25 мартда ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ СИСТЕМАСИ ХОДИМЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАХРИЙ УНВОНЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон ССР санъати ва адабиётининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган декадаси муносабати билан қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ»

1. Александр Осипович **Гинзбург**га — М. Горький номидаги давлат рус драма театрининг бош режиссёри.

2. Клавдия Григорьевна **Ефремова**га — М. Горький номидаги рус давлат драма театрининг артисти.

3. Музаффар Маҳмуд ўғли **Муҳаммедов**га — А. Навоий номидаги давлат опера ва балет театрининг режиссёр-постановкачиси.

4. Насим **Хошимов**га — А. Навоий номидаги давлат опера ва балет театрининг солисти.

5. Тошхўжа **Хўжаев**га — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг бош режиссёри.

6. Саттор **Ярашев**га — А. Навоий номидаги давлат опера ва балет театрининг солисти.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН АРТИСТ»

1. Сурмахон **Алиева**га — Мукимий номидаги Ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг артисти.

2. Асад Ваҳобович **Азимов**га — А. Навоий номидаги давлат опера ва балет театрининг солисти.

3. Бернара Раҳимовна **Қориева**га — А. Навоий номидаги давлат опера ва балет театрининг балет солисти.

4. Жамол **Низомхўжаев**га — А. Навоий номидаги давлат опера ва балет театрининг солисти.

5. Фавзия Ҳабибраҳмоновна **Файзий**га — А. Навоий номидаги давлат опера ва балет театрининг хормейстери.

6. Дилором Муҳаммедовна **Шерова**га — Ўзбек давлат филармониясининг балет солисти.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН УҚИТУВЧИ»

1. Муҳаббат **Мажидова**га, — Глинка номидаги музика мактабининг директори.

2. Анна Ефимовна **Соловьева**га — Успенский номидаги музика мактаби директорининг ўринбосари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1959 йил 25 март. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида

Депутат Р. Ғ. ҒУЛОМОВ докладининг қисқача баёни

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи чақириқ биринчи сессиясида муҳокама қилиш учун тақдим этилган «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида Қонун», дейди докладчи республика Министрлар Совети томонидан партия, Совет ташкилотларининг, халқ маорифи органлари ходимларининг, ўқитувчи ва ота-оналарнинг, кенг жамоатчиликнинг актив иштироки билан ишлаб чиқилган.

Халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги масала турмушнинг ўзи томонидан талаб қилинди, чунки, коммунизмга ўтиш учун моддий техника базасини ривожлантиришгина керак бўлиб қолмасдан, шу билан бирга кишилар онглилигининг юксак савияси ҳам кераклиг. Коммунистик партия халқ маорифини қайта қуриш, мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш вазифасини илгари суришда худди ана шунга амал қилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган маълум мактубида Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашдаги кўп йиллик тажрибани умумлаштирди ҳамда мактабларимиз кўпгина муваффақиятларни қўлга киритган бўлсалар ҳам, улар бугунги кунининг талабларидан орқада қолаётганликларини яққол кўрсатиб берди. Партия томонидан ишлаб чиқилган ҳамда СССР Олий Советининг Қонунида талқин этилган совет ўрта ва олий мактабларини қайта қуриш программаси умумхалқ томонидан якдилик билан маъқулланди. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партия, ҳукуматнинг ана шу муҳим тадбирини зўр қониқиш билан қутиб олдилар.

Бизнинг сессиямиз, деб таъкидлайди ўртоқ Ғуломов, КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан руҳланган совет халқи етти йиллик план вазифаларини зўр ғайрат билан амалга ошираётган шонли кунларда ўтмоқда. Етти йилликда истеъдодли ва меҳнатсевар ўзбек халқи олдида ажойиб истиқболлар очилади. Ўзбек халқи ўз замонида жаҳон маданиятига кўпгина машҳур олимларни, мутаффакирларни, ёзувчиларни берган эли ва бу халқ Улуғ Октябрь натижасида феодал қолоқликни енгиб, кенг тараққиёт йўлига, коммунистик қурилиш йўлига чиқиб олди.

Докладчи, Коммунистик партия раҳбарлиги остида, қардош халқларнинг ахиллиги ва улуғ рус халқининг беғараз ёрдами ва мадади билан Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эришган жуда катта муваффақиятларни муфассал баён қилади. Бу муваффақиятлар ленинча миллий сиёсат тантанасининг, социалистик система афзаллигининг ёрқин намойишидир.

Ҳозирги вақтда республикада 6227 мактаб бўлиб, уларда 1327 минг киши ўқиб турибди. Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг тармоқлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Шу нарса муҳимлирки, мактабларда ўқиш-ўқитиш ишлари она тилида олиб борилмоқда. Рус тилини ўрганишга жуда катта эътибор берилмоқда.

Республика мактаблари учун тобора яхшироқ шароитлар яратилмоқда. Шу нарса диққатга сазоворки, Ўзбекистон колхозлари мамлакатда биринчи бўлиб ўз кучлари ва маблағлари билан мактаб бинолари ва интернат-мактаблар қуришга киришдилар. Фақат сўнгги саккиз йил мобайнида республика қишлоқ хўжалик артеллари 195 мингта ўқувчи сиғдиган 867 мактаб биноси қурдилар. Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози яхши ташаббус кўрсатди. Бу колхоз интернат-мактаб қуриб берди, бунда ҳозир колхозчи, ишчи ва хизматчиларнинг 300 та ёқин боласи жуда яхши шароитларда яшаб, ўқиб турибдилар. Бу ташаббус кенг равишда қўллаб-қувватланишга сазоводир. Украина ССРдан ўрнак олиб, Урганч, Тошкент ва бошқа бир қанча районларда барча мактабларнинг бир сменалик машғулотга кўчиришга киришилди. Фақат 1958 йилнинг ўзидагина республиканинг 500 га яқин мактабида машғулотларни бир сменада ўтказишга киришилди Республика саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг ёрдами билан политехника таълими базалари мустаҳкамланди, 10 мингдан кўпроқ ўқув кабинетлари, устаханалар ташкил қилинди, ҳозирги вақтда мактабларнинг 3 мингдан кўпроқ таълим-тажриба участкалари бор, мактабларга минглаб станоклар, тракторлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари, кўп миқдорда турли асбоблар берилди. Ўқувчилар учун дарсликлар нашр этиш йиллан-йилга яхшиланмоқда. Шу ўқув йилининг ўзида ўнлагина дарсликлар 6 миллион нусхада ва тағин кўпроқ тиражда нашр этилди. Нашр этилган 95 номдаги дарсликлардан 42 таси Ўзбекистоннинг ўзида яратилган оригинал дарсликлардан иборатдир.

Ўзбекистон мактабларида революция олдидан қолган 710 та ўқитувчилар ишлаган бўлса, ҳозир 74 минг ўқувчи ишламоқда. Булар орасида ва [illegible] маълумотли ўқитувчилар 40 [illegible] кишидан ортиқроқдир.

Революция [illegible] резервлари мактаблари [illegible] қурилишида ёшларни меҳнат қилиш руҳида тарбиялашда, ишчилар синфини тўлдиришда жуда катта роль ўйнади.

Улар 1940 йилдан бери 180 мингдан кўпроқ малакали ишчилар тарбиялаб етиштирди, булар орасида маҳаллий миллат кишилари 60 процентдан кўпроқдир.

Республика меҳнаткашлари Совет ҳокимияти йилларида ўсиб етишган кўп сонли халқ зиёлилари армияси билан қонуний равишда фахрланадилар. 1920 йилда В. И Ленин имзо қилган декретга мувофиқ республикада олий таълимнинг тўнгичи — Ўрта Осиё Давлат университети ташкил қилинган эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 31 та олий ўқув юрти, 83 та ўрта махсус ўқув юрти бор. Республикада ҳозир олий ва ўрта махсус маълумотли 200 мингга яқин мутахассис ишламоқда. Ҳолбуки, 1913 йилда бутун чор Россиясида шунча мутахассис бўлган эди. Буларнинг ҳаммаси республикада фаннинг барқ уриб ўсишига анча ёрдам қилди.

Коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда, дейди докладчи, олдимизда турган янги вазифалар ўрта ва олий мактаблар олдига янги талабларни қўймоқда. Ёшларни тарбиялаш ва ўқитишдаги маълум бирёкламаликка ҳамда баъзи бир абстрактликка хотима берилиши зарур. Йигит ва қизларга жисмоний меҳнатга ҳурматни кўпроқ сингдириш керак, уларни ишлаб чиқаришга актив иштирок этишга тайёрлаш лозим. Ўқитишни турмуш билан, ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан чамбарчас боғлаб олиб бориш мактабда фан асосларини ўрганишнинг, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашнинг етакчи негизи бўлиб қолиши лозим.

Шундан кейин, ўртоқ Ғуломов янги Қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини муфассал баён қилиб беради. Ана шу лойиҳага биноан Ўзбекистонда умумий етти йиллик мажбурий таълим ўрнига саккиз йиллик умумий мажбурий таълимни жорий этиш мўлжалланади. Тўлиқ ўрта таълим ўқишни ишлаб чиқаришдаги меҳнат билан бирга қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади. Саккиз йиллик мактабни тамомлаб чиққан ва халқ хўжалиги тармоқларидан бирида ишлаётган кишилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ишчи ва қишлоқ ёшларининг кечки ёки смена мактабларида ўз билимларини ошира оладилар. Саккиз йиллик мактабни тамомлаб чиққанларга ўрта умумий таълим меҳнат политехника мактабларининг IX-XI синфларида ўқиб, ўрта маълумот олиш имконияти ҳам берилади. Бу билан етти йиллик мобайнида умумий таълим мактабларида ўқувчиларнинг сони 30 процент кўпаяди.

Умумий мажбурий таълимни амалга оширишда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари зиммасига катта жавобгарлик юклатилади. Ижроия комитетлар мактаб ёшидаги ҳамма болаларни, айниқса, маҳаллий миллатдаги қизларни ўқишга тортишлари лозим. Мактаблар ҳузурида интернатларнинг кенг тармоқларини ташкил қилиш, узайтирилган кун группаларини кенгайтириш, умумий таълим фондларини вужудга келтириш керак. Колхоз, совхоз, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари, бутун жамоатчилигимиз бу ишга актив ёрдам беришга мажбурдирлар.

Ўқитувчилар халқ хўжалиги тармоқларининг барча ходимлари билан биргаликда ўз олиларида турган вазифаларни ижодий тарзда ҳал қилишлари, ишлаб чиқариш таълимининг ҳамда ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат қилишларининг турли шакл ва усулларини қидириб топишлари ва уларни ёйишлари лозим. Ставрополь ўлкасидаги ва Ўзбекистондаги айрим мактабларнинг тажрибаларига таяниб, колхоз ва совхозларда ўқувчилардан бригада ва звеноларнинг тузиш керак. Фермаларда ҳам таълим-тажриба хўжаликлари ташкил қилиш керак. Шаҳарлар шароитида ўқувчилар завод ва фабрикаларда, мактаб ёки мактабларарО ўқув-ишлаб ниқариш устаханаларида меҳнат қилишлари мумкин. Бундай устаханаларда товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Яқин йиллар мобайнида ўқувчиларнинг ўз кучи билан барча мактабларда боғлар, парклар, гулзорлар барпо этилиши, устаханалар, теплицалар, спорт майдончалари, физкультура заллари қурилиши лозим. Мактабларнинг болалар боғчаларини меҳнат оталигига олишларини ташкил қилиш керак.

Республика планлаштириш органларининг энг муҳим вазифалари саккиз йиллик ва ўрта мактабларни тамомлаб чиққан ёшларни ишга жойлаштиришнинг перспектив планини тузиб чиқишдан иборатдир. Госплан ана шу масалани чуқур ўрганиб чиқиши керак.

Қонун лойиҳасида мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Бу ҳол ўқувчиларни бир неча сменага бўлиб ўқитишни тугатиш имконини беради. Колхозлар ва совхозлар, мактаблар устидан отаниқ қилаётган корхоналар бу ишга катта ҳисса қўшишлари лозим. Интернат-мактабларнинг тармоқларини кенгайтириш ҳақида алоҳида гамхўрлик қилиш керак. Етти йилликда бундай мактабларда тарбияланувчилар сони тахминан 36 баравар кўпайтирилади.

Болалар тарбияси учун ота-оналарнинг масъулиятини анча ошириш лозим. Ўқувчилар ўртасида таълим-тарбия ишларини яхшиламасдан туриб, уларнинг онгли интизомликларини ҳамда яхши ўзлаштиришларини мустаҳкамлаш учун курашмасдан туриб ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишини тубдан яхшилаш мумкин эмас.

Халқ маорифини қайта қуриш масалаларини фан ва практика ходимлари билан, тадқиқотчилар ва тажрибали педагоглар билан ижодий ҳамкорлик асосида ҳал қилмоқ керак.

Қайта қуриш маҳаллий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда планли равишда ва уюшқоқлик билан амалга оширилиши керак. Республиканинг турли областларида ва иқтисодий маъмурий районларида халқ маорифининг янги системасига ўтиш муддатлари ва формалари белгиланиши, саккиз йиллик ва ўрта умумий меҳнат политехника мактабларининг сони турлича белгиланиши мумкин. Мактабларнинг янги системага ўтиши ҳамма жойда 1959-1960 ўқув йилидан кечикмай бошланиши ва 1962-1963 ўқув йилигача тамомланиши лозим.

Республика экономикасининг ривожланаётганлиги ёшларни профессионал-техника тайёргарлиги системасини жиддий равишда яхшилашни талаб қилади. Қонун лойиҳасида ҳунар, темир йўл, қурилиш, техника ва бошқа билим юртлари ва мактабларни, уларни кундузги ва кечки шаҳар ва қишлоқ профессионал-техника ўқув юртларига айлантириш мўлжалланади. Бу мактабларда ўқиш муддати бир-уч йил бўлади. Профессионал ўқув юртларини қайта ташкил қилишнинг 1963 йилгача тамомлаш мўлжалланади. Бундай ўқув юртлари ҳузурида кечки бўлимлар ташкил этилади.

Республикада профессионал-техника билим юртларини аста-секин ўз харажатларини қисман ўзлари қоплайдиган чоралар амалга оширилади. Уларнинг устаханаларининг ишлаб чиқариш фаолиятлари кенгайтирилади. Қишлоқ ўқув юртларида яқин йиллар ичида зарур ер майдони билан таъминланган ва бу ерларда механизациялаштирилган ўқув-таълим хўжаликлари, йирик паррандачилик ва чорвачилик фермалари ташкил қилинади.

Қонун лойиҳасида колхозларга колхозчи ёшларни қишлоқ профессионал-техника ўқув юртларида таълим олишлари учун зарур маблағлар ажратиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш тавсия этилади.

Етти йилликда Ўзбекистонда олий малакали мутахассислар тайёрлаш 70 процент кўпайтирилади. Буни асосан ёшларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида ўқитиш ҳисобига амалга ошириш лозим. Махсус ўрта ўқув юртларини тамомлаб чиқувчиларнинг сони бир ярим баравар кўпаяди. Бундан буён олий ўқув юртларига амалий иш стажига эга бўлган, ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган етук кишилар қоида тариқасида қабул қилинади.

Катнаб ўқиш, кечки ва сиртқи ўқишнинг бир-биридан ажралган ҳолда олиб борилаётганлигини йўқотиш, ўқишнинг турли босқичларида ишдан ажралмаган ҳолда ўқишни ишдан ажратилган ҳолда ўқиш билан қўшиб олиб бориш қоят муҳим. Бу формаларни ишлаб чиқариш процессининг турли босқичлари билан оқилона боғлаб олиб бориш керак. Қишлоқ хўжалик институтларнинг совхозларга кўчириш масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалик техникумларини ҳам ишлаб чиқариш базаларига кўчириш керак.

Педагогика институтларида, университетларда ўқитувчилар тайёрлашнй яхшилаш, агрономия, чорвачилик, техника каби муҳим фанлар бўйича ўқитувчилар етиштириш кўзда тутилади.

Қонун лойиҳасида КПСС XXI съездининг ёшлари юксак коммунистик ахлоқ принциплари руҳида, меҳнатга муҳаббат руҳида, буржуа идеологиясига муросасизлик руҳида тарбиялаш ҳақидаги талаблари эътиборга олинган. Совет мактабини тамомлаб чиқувчилар давлат ва жамоатчилик бурчини бажаришда ўрнак бўлишлари лозим.

Олий ва махсус ўрта мактабларни қайта ташкил қилиш катта ва мураккаб ишдир. Бу ишни олдиндан пухта ўйлаб тузилган план асосида 3-5 йил мобайнида амалга ошириш керак. Халқ маорифини қайта қуриш ишида комсомол ва касаба союзларининг роли жуда каттадир.

Халқ маорифи системасини муваффақиятли равишда қайта қуриш, дейди пировардида докладчи, етти йиллик планда белгиланган жуда катта иш программасини тезроқ ва самаралироқ амалга оширишга ёрдам беради. Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш юзасидан Коммунистик партия томонидан қўйилган тарихий вазифани яқин келгусида амалий равишда ҳал қилишга ёрдам беради. Ўзбек халқи доно Коммунистик партия етакчилигида, ўз оғаси рус халқи билан ва қулратли Совет давлатида яшаб турган ҳамма халқлар билан қўлни-қўлга бериб коммунизм сари шаҳдам қадам ташлаб бормоқда.

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

Илгари хабар берилганидек, 24 март кечки мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси мандат комиссиясининг докладини эшитди. Мандат комиссиясининг раиси депутат **М. Ғ. Ғуломов** комиссия депутатликка кўрсатилган кандидатларни рўйхатга олиш протоколларини ва округ сайлов комиссияларининг овоз бериш ҳақидаги протоколларини қараб чиқиб, 444 сайлов округининг ҳаммасида сайловлар Ўзбекистон ССР Конституциясига ва Олий Советга сайлов ҳақидаги Низомга тамомила мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлаганлигини билдирди.

Сайланган депутатлар орасида ўзбеклар — 325, руслар — 62, украинлар — 9, бошқа миллат вакиллари 48 кишидир. КПСС аъзолари ва кандидатлари Олий Совет составида — 325, партиясизлар — 119 киши. Олий Советга хотинқизлардан 129 киши сайланди.

Сессия 444 сайлов округининг ҳаммасида сайланган депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топди.

Сессия республика ҳукуматини — Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузди.

Шундан кейин мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида депутат **Р. Ғ. Ғуломов** доклад қилди.

Доклад юзасидан музокаралар бошланади.

* * *

Биринчи бўлиб депутат **Х. Ж. Жалилов** — Тошкент области ижроия комитетининг раиси — сўзга чиқади.

— Ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашга — деди у, — Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳамиша алоҳида гамхўрлик қилиб келди. Ҳозирги вақтда биз «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва СССР да халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги Қонунда белгиланган тадбирларни амалга оширишга киришмоқдамиз. Бу тадбирлар ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш йўлидаги бутун ишни кенг авж олдириб юборилган коммунизм қурилиши даврининг юксак талабларига жавоб берадиган янги босқичга кўтариш имконини беради.

Тошкент областида мактаб шоҳобчаларини қайта кўриб чиқиш асосан тамом бўлди. 476 етти йиллик мактабнинг ҳаммасини саккиз йиллик мактаб қилиб қайта ташкил этиш, 216 та ўн бир йиллик мактаб политехника мактабларини биринчи — ўн бир класслар составига киритиш ва 11 мактабни тўққизинчи — ўн биринчи синфлар составига киритиш мўлжалланди. Бундан кейин мактаб-интернатлар янада кенгайтирилади. Ишчи ва деҳқон ёшлари мактаблари қатнаб ва сиртдан ўқиш мактаблари анча кенгайтирилади.

Область ижроия комитети ва область халқ маорифи органлари мактаблар учун меҳнат дарси берадиган ўқитувчилар тайёрлашга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Тегишли тайёргарликни ўтгандан кейин мактабларда ишлашга жалб қилиш учун зарур бўлган мутахассислар сони аниқланмоқда. Шунингдек саккиз йиллик мактабларнинг ҳамма директорларини қайта тайёрлаш иши бошланди. Биз йўлимизки, бу тадбирларнинг ҳаммаси таълимни политехникалаштиришга ёрдам беради.

Ҳозирдаёқ, — дейди нотиқ, — мактабларни битириб чиқувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳар тарафлама ўйлаб кўриш керак. Уларни ишга жойлаштириш тўғрисида тузилган планлар ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди, бу планларда республиканинг ва жумладан, Тошкент областининг иқтисодий ривожланиши ҳисобга олинмаган. Сессия Ўзбекистон ССР Госпланига яқин орада бу масалани аниқлаш, республика халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишчи кучига бўлган ҳақиқий талабини белгилаб, шу асосда саккиз йиллик ва ўрта мактабларни битириб чиқувчиларни ишга жойлаштириш планларини тузиш вазифасини юклатиш лозим.

Ўзбекистон ССР Маориф министри депутат **Э. Қ. Қодиров** бундай дейди:

— Ҳозир бизнинг мамлакатимиз авж олдириб юборилган коммунистик жамият қурилиши даврига қадам қўйган бир вақтда юксак техника базасида социалистик ишлаб чиқаришни қоят даражада ўстириш мўлжалланади, бу эса юқори малакали жуда кўп кадрларни талаб этади. Ҳозир мактаб таълимини қайта қуришдан мақсад шундаки, таълим ва тарбия ишида таълимни меҳнат билан, коммунистик қурилиш практикаси билан маҳкам боғлаб олиб бориш асос қилиб олинади.

Саккиз йиллик мактабнинг таълим-тарбия иши, ҳозирги етти йиллик мактабдан фарқ қилиб, фан асосларини ўқитиш, политехника таълими соҳасида мактабнинг ишини мактаб болаларини уларнинг ёшига мувофиқ ижтимоий фойдали меҳнатга кенг жалб қилиш билан бирга қўшиб олиб борилади. Маориф министрлиги томонидан ишлаб чиқилган янги таълим планлари лойиҳаларида меҳнат соатлари миқдори умуман деярлик икки баравар кўпайтирилади. Шу билан бирга, таълим-тарбия процессида органик жиҳатдан боғланиши лозим. 1959—60 ўқув йилида биринчи — бешинчи синфларда янги программалар ва янги ўқиш плани жорий қилинади. Келгусида ҳар йили шундан кейинги синфларда ҳам янги программалар ва янги ўқиш плани жорий қилиниши керак. Шундай қилиб, 1962 — 1963 ўқув йилида ўқувчилар саккиз йиллик мактабларни биринчи марта битириб чиқадилар ва ҳамма жойда мактаб ёшидаги ҳамма болаларни мажбурий саккиз йиллик таълимга ўтказиш иши тамомланади.

Умумий таълимнинг муваффақиятли бўлиши учун, дейди яна депутат Қодиров, мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олиш ишини яхшилаш, мактаблардан узоқда турадиган ҳамма болаларни мактабга олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш ишини уюштириш, мактаб ёнидаги интернатларда турмуш шароитини яхшилаш ва бу интернатлардаги ўринлар сонини кенгайтириш, моддий жиҳатдан муҳтож бўлган болалар учун умумий таълим фонди вужудга келтириш зарур. Ўқувчиларнинг ёшини, қайси синфда ўқишларини ҳамда дарслар қайси муддатга тўхатилганлигини ҳеч бир ҳисобга олмай Ўзбошимчалик билан ўқувчиларни қишлоқ хўжалик ишларига олиш каби йўл қўйиб бўлмайлиган фактларга ҳам эътибор бермай кетиш мумкин эмас. Бу ишда тегишли тартиб ўрнатиш керак.

Қорақалпоғистон педагогика институтининг директори депутат **С. Камолов** минбарга чиқади. У айтадики, Қорақалпоғистон каби аввалари чор Россиясининг энг қолоқ чекка ўлкаларидан бири бўлган республика мисолида СССРда халқ маорифининг муваффақиятлари айниқса яққол кўринриб турибди. Октябрь революциясига қадар бу ерда аҳолининг фақат 0,2 процента саводли эди. Атиги уч мактаб ишлаб турар ва бу мактабларда 174 ўқувчи бор эди. Эндиликда Қорақалпоғистон иқтисодий жиҳатдан ривожланган республика бўлибгина қолмай, балки ёппасига саводхон республика бўлиб қолди. Бу йил Қорақалпоғистонда 622 мактаб ишлаб турибди, бу мактабларда 90 минг ўқувчи таълим олмоқда.

Қорақалпоғистонда ҳозир умумий таълим мактаблари ҳамда ишлаб чиқариш таълими мактаблари шаҳобчаларини кенгайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди. 13 та ишчи-ёшлар мактаби ва 50 та қишлоқ ёшлари мактаби очилади.

Мактабларни қайта қуриш давомида ўқитувчиларнинг сифат составини янада яхшилаш, республика учун янги ўқитувчи қадрлар тайёрлаш соҳасида жиддий вазифалар илгари сурилади. Қорақалпоғистон ўқитувчи кадрлари асосан Нукус педагогика институтида тайёрланмоқда.

Етти йил мобайнида институт қатнаб ўқиш бўлимида 1865 ўқитувчи ва сиртқи ўқиш бўлимида 1829 ўқитувчи тайёрлаб чиқаради. Шу билан бирга, политехника циклидан ўқитувчилар тайёрлашга асосий эътибор берилади. Шу мақсадни кўзлаб Қорақалпоғистон АССР Маориф министрлиги агрономия-педагогика ва инженерлик-педагогика факультетларини вужудга келтиришни планлаштирмоқда.

Депутат **Ғ. Ғ. Юсупов** (Самарқанд области) областда мактаб шоҳобчалари йил сайин кенгайтирилаётганлиги ҳақида гапиради. Ҳозирги вақтда 1.185 мактаб бор, бу мактабларда 194 минг бола ўқиб турибди. Кейинги вақтда моддий-техника базасини кучайтириш ва малакали педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш йўлида жиддий тадбирлар амалга оширилди. Областнинг мактабларида 12 минг ўқитувчи ишлаб турибди, улардан етти минг ўқитувчи олий ва тамомланмаган олий маълумотга эга.

Нотиқ таъкидлайдики, тажрибадан кўринишича, колхозларда ва совхозларда ўқувчилардан бригадалар тузиш қишлоқ жойлари учун мактаб болаларига профессионал тайёргарлик беришнинг асосий формаларидан биридир. Ҳозирги вақтда областда қариб 6 минг ўқувчини ўз ичига олган 103 та ана шундай бригадалар бор.

Халқ маорифи қайта қурилиши муносабати билан кечки умумий таълим мактабларига катта вазифалар юклатилади. Ҳозир уларнинг ишини анализ қилишдан кўринадики, бу мактабларнинг кўплари ёшларга керакли даражада билимларни бермай келмоқдалар. Бу жиҳатдан шу ҳол маълум роль ўйнайдики, кечки мактабларда ўқувчилар учун нормал шароит вужудга келтирилмаган. Кечки мактабларда ўқувчи йигит ва қизлар учун самарали ўқиш имкониятини таъминлаш керак.

Сессиянинг 24 мартдаги кечки мажлиси депутат Ғ. Ғ. Юсуповнинг сўзи билан тамом бўлди.

* * *

Сессиянинг 25 март эрталабки мажлисида мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги масала юзасидан музокаралар давом эттирилди.

Андижон область ижроия комитети раиси А. Х. Ҳайдаров ўз сўзида муҳим рақамларни келтирди. Агар революцияга қадар область территориясида фақат 21 мактаб ишлаб турган ва битта ҳам ўрта махсус ва олий ўқув юрти бўлмаган бўлса, эндиликда бу ерда 524 мактаб, шу жумладан 246 етти йиллик ва 123 ўрта мактаб, шунингдек учта ўрта махсус ва иккита олий ўқув юрти бор. 10-нчи синфларни тамомлаб чиқувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Фақат 1953 йилдан буён уларнинг сони уч ярим баравар кўпайди, Ўзбек қизларининг сони эса — етти баравар кўпайди.

Етти йилликнинг охирига бориб, областда 18 та мактаб-интернат, 87 та ўрта умумий таълим меҳнат политехника мактаблари бўлади. Уларнинг ҳар бири колхозлар, совхозлар, РТС ва саноат корхоналари базасида ташкил этилади. Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг сони 24 дан 161 гача кўпаяди. Шунингдек учта қишлоқ ва иккита шаҳар профессионал техника билим юртлари ташкил этилади.

Мактабларни қайта қуриш уларнинг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлашни талаб этади. Бу жиҳатдан республика ташкилотлари катта ёрдам кўрсатишлари лозим. Ўз кучлари билан ва ўз маблағларига 88 мактаб биноси, 276 ўқув мастерскойи ва 896 та синф хоналари қуришга қарор қилган колхозлар томонидан белгиланган планни бажариш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик артелларини зарур бинокорлик материаллари билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиши керак.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси депутат **М. Ю. Йўлдошев** айтдики, республика пойтахтининг шаҳар ташкилотлари халқ маорифи системасини қайта қуриш планларини шаҳарни маданий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш хусусиятларига мувофиқлаштириб ишлаб чиқишга киришилдар. Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети томонидан партия, совет ва хўжалик ходимлари активининг иштироки билан кўриб чиқилган перспектив планга кўра мактабларни саккиз йиллик таълимга ўтказиш ҳамда турли типдаги мактабларни ташкил этиш иши 1959—60 ўқув йилидан бошланади ва беш йил давомида тамом бўлади.

Кейинги йилларда шаҳар мактабларида ўқишни умумий меҳнат билан боғлаб олиб боришда бир қанча тажриба тўпланди. Бу йил 30 та мактабда ишлаб чиқариш таълими билан 70 та махсус синф ишлаб турибди. Бу синфларнинг ўқувчилари токарлик, слесарлик, электромонтерлик ва бошқа касбларни ўрганадилар. Мактабларда ўз-ўзига хизмат қилишни амалга ошириш катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Мактабларнинг моддий базаси, уларнинг саноат корхоналари билан боғланишига, экономиканинг талабларига қараб Тошкентда машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, транспорт, алоқа ишларига, ишчи ва ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат кўрсатиш ишлари ва бошқа соҳалардан мутахассислар тайёрлаш мўлжалланади.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзоларининг иштироки ҳақида сессияда шу колхознинг раиси депутат **А. Матқобулов** сўзлаб берди. Колхоз территориясида ҳозиргача 20 дан ортиқ болалар яслиси ва 3 та стационар болалар боғчаси мавжуд бўлиб, буларда колхозчиларнинг 520 боласи тарбияланмоқда. Бу муассасаларни сақлаш учун фақат ўтган йилнинг ўзидагина 354 минг сўм сарфланган. Икки марта колхозимизга келган Н. С. Хрушчевнинг тавсияси билан қурилган интернат-мактаб колхоз аъзоларининг ифтихоридир. Интернат-мактаб шу ўқув йилининг бошида ишга туширилган эди. Қишлоқ хўжалик артели болалар ихтиёрига катта мактаб биноси, 400 кишилик икки ётоқхона биноси, ошхона қуриб берди. Биноларга водопровод ўтказилди, канализация қурилди ва улар пар ёрдами билан иситилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси учун колхоз 5.755 минг сўм сарфлади.

Интернат-мактабдан ташқари колхоз территориясида 3 та ўрта мактаб ва 5 та тўлиқсиз ўрта мактаб бор, бу мактабларда 4 мингдан ортиқ болалар ўқиб турибди. 15 минг китобдан иборат фондга эга бўлган 3 та стационар кутубхона бор. 800 кишилик тамоша зали билан колхоз Маданият уйи биноси қурила бошланди. Шундай қилиб колхозчиларнинг болаларини тарбиялаш учун шаҳарликларнинг болалари учун қандай шароит яратилган бўлса, шундай шароит вужудга келтирилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти депутат **И. М. Мўминов** ўз нутқини илмий муассасаларнинг иши тўғрисидаги масалаларга бағишлади. Партия ва ҳукумат томонидан халқ маорифи системасини қайта қуриш соҳасида амалга оширилаётган тадбир, деди у, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ва унинг ҳамма илмий тадқиқот муассасалари фаолиятига бевосита таллуқлидир.

XX ва XXI съездлар орасидаги даврда Ўзбекистон Фанлар академияси асосан назарий ва амалий тадқиқотларни кучайтириш йўлидан ривожлана борди. Ишлаб чиқаришга жорий қилинган илмий ютуқлар ва ихтиролар сони кескин равишда ўсди. Неча ўнлаб энг муҳим ихтиролар амалиётчиларнинг мулки бўлиб қолди. Етти йилликда олимлар олдида янада масъулиятлирок вазифалар турибди. Шу сабабли ёш кадрларни тайёрлашни янада яхшилашга муваффақ бўлиш, назарий тадқиқотларни коммунистик қурилишнинг амалий масалалари билан муваффақиятли боғлаб олиб боришда бу кадрларга ёрдам бериш керак.

Республика мактабларида табииёт, айниқса физика, математика, химия дарслари беришни жиддий равишда яхшилаш зарур. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги бу фанлардан бериладиган дарсларни такомиллаштириш учун амалий тадбирлар ишлаб чиқиши, жумладан ўқитувчилар учун махсус семинарлар ташкил этиши, мактаб лабораториялари ва кабинетларини энг янги асбоб-усканалар билан таъминлаши керак.

Фарғона область партия комитетининг секретари депутат **С. Тоштемиров** дедики, етти йиллик давомида областнинг мактабларида ўқувчилар сони деярлик 65 минг кишига кўпайиши керак. Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида ўқувчилар контингенти уч баравар кўпаяди. 19 та янги интернат-мактаб очилиши керак. Шу муносабат билан давлат ҳисобидан, шунингдек колхозлар ҳисобидан ҳам ўқув юртлари учун бинолар қурилиши масаласи жуда жиддий бўлиб турибди. Белгиланган программани бажариш учун жуда кўп бинокорлик материаллари талаб этилади. Ҳолбуки, ҳозирги вақтда бу жиҳатдан қийинчиликдар рўй бермоқда. Етарли миқдорда бинокорлик материалларининг етишмаслиги натижасида мактаб бинолари қурилиши чўзилиб кетмоқда. Республика Министрлар Совети мактаб биноларини қураётган колхозларни зарур материаллар билан таъминлаш ҳамда ўқув юртлари сонини кенгайтириш ишларини жадаллаштириш учун бутун тадбир-чораларни кўриши лозим.

— Ҳозирги вақтда, — дейди Бухоро область партия комитетининг секретари депутат **А. М. Нўчқоров**, — бизнинг областимизда 524 та умумий таълим мактаблари, 2 мактаб-интернати, 48 та ишчи ва қишлоқ ёшлари мактаби, педагогика институти ва 12 та махсус ўқув юрти ишлаб турибди. Қардош Украинадан ўрнак олиб, область ташкилотлари мактабларни бир сменалик машғулотга ўтказиш йўлида катта иш бошлаб юбордилар. Шу ўқув йилидан бошлаб ҳозирдаёқ 313 мактаб ёки мактаблар умумий сонининг 60 процента бир сменада ишлаб турибди. 1962 йилга қадар мактабларнинг кўп сменалик бўлиши бутунлай тугатилиши керак, бунинг учун 32 минг ўринлик 1070 та синф хоналари қурилиши керак. Ставрополь мактаб болаларининг ажойиб ташаббуси бизда кенг равишда қўллаб-қувватланди. Ҳозир область мактаблари ҳузурида ўқувчилардан 97 та бригада ва звенолар тузилди.

Совет ва партия ташкилотлари, область экономикасининг хусусиятини ҳисобга олиб, халқ маорифи системасини қайта қуриш тадбирларини ишлаб чиқилар. Ўзбекистон экономикасининг тез ривожланиши шароитида профессионал-техника таълими алоҳида аҳамиятга эга бўлм

Пахтакор ўртоқлар, чигит ерга ташланишига саноқли кунлар қолди, экишга тайёрмисиз?

★ ★

Бу колхоз чигит экишга сводкада тайёр

Район қишлоқ хўжалик инспекциясидаги сводка ва Ўртоқ Одиловнинг гапига қараганда колхоз чигит экишга тайёр, техника ремонтдан чиқарилган. Раиснинг таъкидлашича, ҳеч қандай камчилик йўқ. Ҳаво юришиб кетса бас. Чигит экиш қизитиб юборилади.

— Неча гектар ер чигит экишга тахт? — сўрадик раисдан.

— 1080 гектар ерга чигит экамиз, 38 гектар ерни текислаб экишга тахт қилиб қўйдик.

— Неча тонна маҳаллий ўғит тайёрланди?

— Эсимда йўқ, секретарь планни олиб келсин, сўнгра айтиб бераман.

— Чахалов бошлиқ трактор-далачилик бригадасига неча гектар ер ажратилди, ишчи кучи қанча? — яна қизиқиб сўрадик раисдан.

— 95 гектар ер бириктилган, янглишмасам 44 киши бор. Кейинчалик улар бошқа ишларга ҳам жалб қилинади.

Хуллас колхоз раиси Ўртоқ И. Одиловдан берилган саволларнинг биронтасига ҳам аниқ жавоб ололмадик. У «билмадим, секретарь билади, адашмасам» сингари мужмал жавоб беришдан нарига ўтмади.

Ўрта Чирчиқ районидаги «ХХ партсъезд» колхозида кўкламга тайёргарлик мутлақо қониқарсиз ва ўзибўларчиликка ташланган.

Колхоз правлениеси колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратиб бермаган. Омонов, Минақулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда 16 март куни фақат 13 киши ишга қатнашди, холос. Ўртоқ А. Мамедов ҳосилот бўлган участкада 15 колхозчи ишга чиқибди. Бунинг устига колхозчиларнинг меҳнат кунлари тўғри ҳисобга олинмайди. Ҳамма иш табелчиларга ташлаб қўйилган, бригада бошлиқлари иш тепасида бўлмайдилар.

Техника ва тирков асбоблари чигит экишга тайёр эмас, чала-чулпа «ремонт» қилинган. Колхоз раҳбарлари трактор ва бошқа асбоблар ремонт қилинди, деб қалбаки маълумот берганлар.

Колхоз раиси Ўртоқ Одилов бизни «ремонт тугалланган, ишонмасангизлар бориб кўринглар» деб сарой томон бошлади. Тракторлар, сеялка, культиватор ва бошқа машина асбоблари лойга қоришиб ётибди. Биз ПКУ-2,8 трактори олдида тўхтадик. Тракторга культиваторлар тиркаб қўйилибди, аммо мустаҳкамланмаган, шалоқ. 16, 17, 28-номерли тракторлар ҳам ремонт қилинмасдан культиватор ўрнатилган. ДТ-24 тракторининг қисмлари лойга кўмилган. Бошқа бир универсал ҳам ишга яроқсиз, ремонт қилинмаган. 4 та чизель, 2 та ер текислайдиган машина ва бир неча борона шу зайлда «ремонт» қилинган. Колхоз раиси Одилов ҳам, устахона мудири Ражабов ҳам кўзбўямачилик билан шуғулланганларидан хижолат бўлиб қолдилар. Раиснинг механизация ишлари бўйича ўринбосари Ўртоқ Мешериков эса «ҳали вақт эрта» деб бепарво юрибди.

Колхоз раҳбарларининг маҳаллий ўғит тайёрлаш ва уни далага чиқаришдаги кўзбўямачилигини айтмайсизми. Правлениедаги сводкада Омонов бошлиқ бригадада 471 тонна, Минақулов бригадасида 483 тонна маҳаллий ўғит тайёрлангани кўрсатилган. Ҳар икки бригаданинг даласига чиқарилган маҳаллий ўғит текширилганда сводкадаги рақамларнинг 20-25 проценти миқдорида ўғит чиқарилгани аниқланди.

Колхозда трактор-далачилик бригадалари тузиш ва раҳбар кадрларни танлашга ўтган йилдаги сингари бу йил ҳам масъулиятсизлик билан қаралган. 4 та бригада бошлигидан биронтаси ҳам тракторчи эмас.

Чигитни квадрат-уялаб экишга тайёргарлик ҳам ҳалигача тугалланмаган: 10, 11, 12-бригадаларда карталар ажратилмаган. Дастлаб 600 гектар ерга янги усулда чигит экиш планлаштирилган эди. Лекин раис Ўртоқ Одилов прогрессив усулни менсимай, планни камайтириш учун уринниб юрибди. Суғориш тармоқларининг шу чоққача тозаланиб бўлинмаганига қандай баҳо бериш керак?

Колхоз раиси Ўртоқ Одилов далада бўлмайди. Кўпчиликнинг фикри билан иш тутади. Партия ташкилотининг секретари Ўртоқ А. Исаҳонов ва правление аъзолари юз берган камчиликларни бартараф қилиш учун курашмайдилар, «сен менга тегма, мен сенга тегмай» қабилида иш юритадилар.

М. Воробейчиков ишлаган расм.

Район партия комитети бу колхоздаги нуқсонларни тезда бартараф қилиш учун зарур чора кўриши керак.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Мўл ҳосил учун» газеталарининг рейд бригадаси:

М. АБДУЛЛАЕВ,
район партия комитетининг инструктори.

Т. ИУЛДОШЕВ,
район газетасининг ходими.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Сирдарё РТСи механизаторлари техника ремонтини муддатидан олдин сифатли тамомлаш мақсадида мусобақалашиб ишламоқдалар. Социалистик мусобақада айниқса слесарь ўртоқ М. Скляров яхши натижаларга эришаётир. У, кундалик нормани 150 — 160 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: слесарь М. Скляров иш устида.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Етти йиллик план муддатидан олдин бажарилади

1956 йилда асрлар давомида сувсиз ётган Чибинтой массивидан 400 гектар ер ўзлаштирилиб, «Правда» колхози ташкил қилинди. Ўшанда бу ерга фақат 15-20 хўжалик кўчиб келиб, янги ерни ўзлаштиришга киришди.

Колхозга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳайдар Жумабоев раис қилиб тайинланди. Кўп ўтмай бу ерга янги-янги хўжаликлар кела бошлади. Кўп қийинчиликларга қарамасдан пахтакорлар биринчи йилдаёқ ҳар гектар ердан 18 центнердан «оқ олтин» етиштириниб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

1957 йили пахта майдони 475 гектарга етказилиб, ҳар гектар ердан 22, 1958 йили эса 26 центнердан пахта ҳосили етиштирилди. Бу муваффақиятлар осонлик билан қўлга киритилган эмас, албатта. Колхоз аъзолари ер майдонини кўпайтириш ва агротехника қоидаларига тўла амал қилиш туфайли пахтадан қисқа вақт ичида мўл-кўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Колхозда 2-3 йилдаёқ янги типда 300 дан ортиқ уй-жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Хонадонлар Ильич нурлари билан ёритилди, радиолаштирилди.

Колхозда 250 бош қорамол сиғадиган типовой молхона, тракторлар учун парк-устахона, тегирмон, болалар боғчаси қурилди.

Шу кунларда колхозда мўл ҳосил учун кураш қизғин давом этмоқда. Чигит экиладиган 670 гектар ернинг ҳаммаси кузда сифатли қилиб шудгорланди ва ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 250 килограммдан фосфор, 8-9 тоннадан маҳаллий ўғит солинди.

Ерни экишга тайёрлашда А. Г. Шестяков, Дячков, Красинов ўртоқлар бошқаларга намуна бўлдилар. Колхозчилар суғориш шохобчаларини тартибга солдилар. Кўп миқдорда маҳаллий ўғит жамғардилар. Техника ремонти тамомланиб, чигит экишга тайёрлаб қўйилди.

Чигит экиш кампаниясига, айниқса Қурбонбой Қодиров ва Раҳмат Эралиев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари пухта тайёрланаётирлар. Бригадаларнинг аъзолари ўзаро мусобақалашиб, чигит экадиган майдонларга 300-350 килограммдан минерал ва 10-11 тоннадан маҳаллий ўғит солиб шудгор қилдилар. Ҳозир улар ариқ-зовурларни тозаламоқдалар.

Колхоз аъзолари партия ХХI съезди материалларини ўрганиб чиққандан кейин хўжаликнинг етти йиллик истиқбол планини тузиб чиқдилар. Шу планга кўра 1965 йилга бориб пахта майдони 1500 гектарга етказилади. Бу — етти йил ичида чигит экадиган ерларни қарийб 3 марта кенгайтириш демакдир.

Етти йилликда ҳосилдорлик ҳам йил сайин ошиб боради. Планда белгиланишича 1965 йилда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 35 центнерга етказилади. Бошқача қилиб айтганда, пахтанинг яппи ҳосили етти йил давомида 4 баравардан зиёдроқ кўпаяди.

Колхоз аъзолари чорвачилик, боғдорчилиқ каби тармоқларни ҳам кескин ривожлантирадилар. Шунингдек, катта клуб, мактаб бинолари қурилади, сабзавот ва полиз экинларининг майдони анча кенгайтирилади. Механизациядан тўла фойдаланиб, иш унумдорлигини ошириш бу буюк ишларни етти йилда эмас, балки олти йилда бажариш имконини беради.

Ҳозирги кунда колхоз аъзолари етти йилликнинг биринчи йилида хўжаликнинг ҳамма тармоқларини комплекс ривожлантириш учун актив кураш бошладилар.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
М. УСТАБОБОЕВ,
Сирдарё райони

★

Кўкламни шайланиб кутиб олиш учун курашмоқдалар

Ғанимат кунларнинг қадрига етиб, ишчи кучлари ва транспорт воситаларидан унумли фойдаланаётган колхозлар мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар. Янгийўл районидаги Киров номли колхоз аъзолари, механизаторлари ҳам КПСС ХХI съезди қарорларидан руҳланиб, чигит экиш кампаниясига ҳар тарафлама тайёргарлик кўрмоқдалар.

Бу йил колхозда 1245 гектар ерга чигит экилади. Шундан 780 гектар ерга режа сими тортиб, 60Х60 схемаси билан квадрат-уялаб чигит экилади. Қолган ерларга чигит оддий усулда экилади ва кўндалангига қирқилиб, квадрат ҳосил қилинади. Колхоз аъзолари гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Колхозда учта трактор-далачилик бригадаси ташкил этилди. Бу бригадаларга 100—120 гектардан ер бириктилган. Бригаларнинг аъзолари ер текислаш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини қизитиб юбордилар.

Колхозда маҳаллий ўғит тўплашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳозиргача далага 4100 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди, шунингдек 8144 кубометр ҳажмдаги сув йўллари тозаланди. Режа сими тортиб, квадрат-уялаб чигит экадиган агрегат аъзолари билан шу кунларда иккинчи марта машғулот ўтказилмоқда.

Кўкламги чигит экиш кампаниясига яхши тайёргарлик кўраётган Ўртоқ Илёс Зуфаров бошлиқ 3-бригада аъзолари колхозда биринчи бўлиб, ариқ-зовурларни тозалашни тугалладилар. Шунингдек 120 гектар ерни чигит экишга тахт қилиб қўйдилар.

Шу райондаги «Сталинчи», Сталин номли, «Партия ХХI съезди» колхозларининг илғор бригадаларида ҳам чигит экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилган.

А. ЖАЛОЛОВ,
Т. ИМОМОВ.

Яхши ташаббус

Ўтган йили «Малик» совхозининг 2-бўлимида 10 та далачилик бригадаси бор эди. Бу йил ана шу бригадалар ўрнига 5 та трактор-далачилик бригадаси ташкил этилди. Улар 725 гектар ерга эга.

Шу кунларда бўлим ишчилари кўкламга пухта тайёрланмоқдалар. 235 гектар ерни чигит экишга тахт қилиб қўйган Ўртоқ Наби Турсунов бошлиқ бригада ишчилари алмашлаб экишга жиддий эътибор бераётирлар. Бу йил улар 100 гектар ерга беда ва арпани аралаштириб экдилар.

Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта ҳосили етиштиришни мўлжаллаётирлар. Ана шу мақсада ариқ-зовурларни тозалаш ишлари тезлаштирилди. Техника ремонти тамомланди.

Совхознинг Ўртоқ Ж. Тишлиқов бошчилик қилаётган биринчи бўлимида ҳам трактор-далачилик бригадалари сони кўпайтирилган. Бу бригадаларнинг ҳаммасида чигит фақат квадрат-уялаб жойлаштирилади.

А. КУЧАРОВ,
Ч. ИЛЁСОВ.

Маккажўхорининг гибрид уруғларини экамиз

Бизнинг колхозда силос учун ишлатиладиган асосий экин маккажўхоридир. 1958 йилда дон олиш ва силос бостириш мақсадида 112 гектар ерга маккажўхори экдик. Ўша йили фермамизда 100 бош сигир бор эди. Уларнинг ҳар бирига 11 тоннадан силос тайёрладик. Силоснинг сифатли бўлишини таъминлаш учун маккажўхорининг сўталарини думбул ҳолида ўриб олдик. Силоснинг 10 проценти оқжўхори ҳисобига тайёрланди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йилга мўлжалланган контроль рақамларига биноан биз ҳам колхозимизнинг истиқбол планини тузиб чиқдик. Бу планга кўра 1959 йилда ҳар бир бош сигир учун 13 тоннадан силос тайёрланади.

Силос ва дон учун маккажўхори экаётганимизда уругликнинг серҳосил навларини танлаймиз. Бир неча йиллик тажрибадан синалик, гибрид уруғлар, айниқса, ВИР-156 навли уруғ жуда серҳосил экан. Ҳар гектар ердаги бу нав маккажўхоридан 1956 йилда 47,1 центнердан, 1957 йилда 53 центнердан дон олдик.

Демак, ВИР-156 гибридидан маҳаллий жайдари маккажўхорига нисбатан 23—24 центнер ортиқ дон олинади. Бироқ унинг афзаллиги шутина эмас. Бу нав маккажўхорининг бир гектаридан олинадиган кўкпоя ҳам 350—400 центнерни ташкил этади. Жайдари уруглардан эса кўпи билан 250 центнер кўкпоя олиш мумкин.

ВИР-156 гибрид маккажўхорида бошқа навларга нисбатан сут-шира анча ортиқ. Шу сабабли бу нав маккажўхорининг хосияти катта.

Маълумки, ҳар қандай экин ҳам яхши ишлов берилган тақдирдагина мўл ҳосил беради. Ўтган йили Ўртоқ Хатам Ниёзов бошлиқ 2-бригада аъзолари ҳар бир гектар ердаги ВИР-156 навли гибрид маккажўхоридан 485 центнер, Ўртоқ Абзаал Шарипов бошлиқ 12-бригадада эса 310 центнер кўкпоя олинди. Чунки 12-бригадада маккажўхори кеч экилди ва уруғ суви берилиб ундириб олинди. Бу — ўсимликнинг нормал ривожланишига путур етказди. Демак, маккажўхори уруғини ерининг табиий нами билан ундириб олиш мўл ҳосил етиштиришда муҳим омил ҳисобланади.

Биз айрим бригадаларда маҳаллий уруғларни ҳам экиб кўрдик. Бироқ улардан олинган кўкпоя 150—200 центнердан ортмади. Шу сабабли биз, чарвачилики ривожлантириш мақсадида мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирмоқчи бўлган ҳар қайси хўжалик маккажўхорининг гибрид уруғларини, айниқса ВИР-156 гибрид уруғини экиши лозим, деган хулосага келдик.

А. АБДУХОЛИҚОВ,
Қорасув районидаги Максим Горький номли колхознинг раиси.

М. М. ХАЙКИН,
колхоз агрономи.

Бу йилги мақсад—2000 литр

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари ўтган йил 308 бош соғин сигирдан 499 тонна ўрнига 540 тонна сут соғиб олиб, яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Сигир соғувчи Нишон Ашурова ўз боқимидаги 16 сигирнинг ҳар биридан 3810 литрдан сут соғиб, ферма бўйича рекорд қўйди. Зоя Абдурафиқова, Ольга Клосс Ўртоқлар ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Колхоз правлениеси 1957 йилда Тошкент чорвачилик конторасидан ўрқали Латвиядан 73 бош зотли сигир ва бузоқ олган эди. Чорвадорлар бу молларни Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитига қўниктириб бориш устида катта иш қилдилар. Бу моллар зарур профилактик тадбирларни қабул қилганларидан кейин бошқа ҳайвонлардан алоҳида сақланди, яшаш жойлари уларга мослаштирилди. Натижада улар маҳаллий шароитга тез кўникиб қолдилар.

Латвиядан келтирилган сигирлар вазни жиҳатидан унча оғир бўлмай, 350-450 килограммни ташкил этади, маҳсулдорлиги эса анча яхши. Улар биринчи марта туққанда суткасига 12-15 литрдан, иккинчи ва ундан кейингисида эса 25-30 литрдан сут беради.

КПСС ХХI съезди қарорлари колхоз чорвадорларини янги ютуқлар сари руҳлантириб юборди. Сут фермасининг ходимлари икки ойлик топшириқни ошириб адо этдилар. Сут соғувчилар бу йил ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинадиган сутни 1958 йилги 1827 литр ўрнига 2000 литрга етказишга қарор қилдилар.

Колхозда сигирлар сутини кўпайтиришнинг энг муҳим омили бўлган ширали ва тўйимли хашакни, айниқса, силосни кўп тайёрлашга жиддий аҳамият бердилаётир. Масалан, 1957 йилда 1800 тонна, 1958 йилда эса 2200 тонна силос бостирилди. Чорвадорлар бу силосни янги силос тайёрлаш мавсумигача етказишни мўлжалламоқдалар. Колхозда бу йил тайёрланадиган силоснинг сифатли бўлиши ва арзонга тушиши учун маккажўхорини фермага яқин участкага экишга қарор қилинди.

Т. НИШОНБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ТРАКТОР-ДАЛАЧИЛИК БРИГАДАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЮЗАКИ ҚАРАЛМОҚДА»

Юқоридаги сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 18 март сонида босилган материалда Юқори Чирчиқ районининг Сталин номли, «Меҳнат бирлик», Жданов номли колхозларида трактор-далачилик бригадаларини ташкил қилишда юз бераётган жиддий камчиликлар танқид қилинган эди.

Район партия комитетининг секретари ўртоқ Й. Иброҳимовнинг редакцияга маълум қилишича, мақола 19 мартда район партия комитети ва район ижроия комитетининг қўшма мажлисида муҳокама қилинган.

Трактор-далачилик бригадаларини ташкил қилиш ишига расмиятчилик билан ва юзаки қараганликлари учун Сталин номли, «Меҳнат бирлик» ва Жданов номли колхозларнинг раислари қаттиқ огоҳлантирилган. Қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи Мирсоатов ва агрономи Терешченко ўртоқларга бу ишга жиддий аҳамият бермаганликлари кўрсатиб ўтилган.

23 мартда барча трактор-далачилик бригада ва звено бошлиқлари ҳамда тракторчиларнинг район кенгаши ўтказилган.

ТЕАТР

„ҲУРРИЯТ“

Республикамизнинг кекса театрларидан бири ҳисобланган Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг ижодий коллективи сўнгги йилларда шу кунининг темасида ёзилган пьесаларни саҳналаштириш устида самарали иш олиб бормоқда. Театр коллективининг Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР санъати ва адабиёти декадасида кўрсатилиб, катта муваффақият қозонган драматург Ўйғунининг янги асари — «Ҳуррият» спектакли ҳам ана шундай актуал, ҳозирги замон темасига бағишланган спектаклдир.

Пьесада асосан жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли гражданлари бўлган хотин-қизларимизнинг ҳаёти, уларнинг қаҳрамонона меҳнати, жамиятимизда тутган ўрни, ўз муҳаббатларига содиқлиги, коллективнинг қучи, ёшларни тарбиялаш ва оила масалалари ҳақида сўз юритилади. Асарнинг бош қаҳрамонлари Ҳуррият, Ғулҳон, Зуҳра, Ҳайдар ва бошқалар хотин-қизларимизнинг ҳуқуқини поймол қилмоқчи бўлган, тил учида ҳуррият, озодлик дейишиб, амалда унинг аксини қилувчи, уларнинг қобилиятларига ишонмовчи, жамиятимизда тутган ўрнидан, колхозларда катта куч эканлигидан кўз юмувчи айрим кишилар онгидаги эскиликнинг ярамас қолдиқларига қарши аёвсиз кураш олиб борадилар. Асарнинг асосий гояси ҳам коллективнинг ҳақиқий совет кишиларининг ана шу жамиятимизда учрайдиган айрим нуқсонлар билан кураши жараёнида очилади.

Пьесанинг яна бир яхши томони шундаки, автор асар қаҳрамонларининг характерида юз берадиган ўзгаришларга олдиндан замин тайёрлаб боради. Шунинг учун ҳам образларнинг эволюцион ўсиши, характерларининг ўзгариши ҳаётий ва табиий бўлиб чиққан.

Асарнинг бош қаҳрамони — янги сайланган колхоз раиси, содда ва камтарин колхозчи Ҳуррият. Асарнинг сюжет линияси Ҳуррият нинг шахсий ҳаёти ва жамоат ишидаги фаолияти, бу йўлдаги тўсиқ ва қийинчиликларни ўз ичига олади. Ҳуррият авваллари кўнгли бўш, кишиларни хафа қилишни истамайдиган, камтарин, ўз кучига тўла ишонмайдиган бир жувон бўлса, асар давомида Эшон ака ва Қосим акаларнинг бўхтон ва аччиқ таъналарини, шахсий ҳаёти ва жамоат ишидаги қийинчиликларни енгишга ўзида куч топа олади. Асар охирида Ҳуррият образи иродаси мустаҳкам, шижоатли ва қобилиятли ташкилотчи даражасига кўтарилади. У коллектив билан бир жон, бир тан бўлиб ишлаб, колхозларни бир тўда ишёқмасларни тўғри йўлга солади. Автор Ҳуррият нинг ўз ойиласидаги ва жамоат ишидаги фаолиятини бир-бири билан узвий боғлаб юборган. Натижада Ҳуррият образи кўпқиррали ва ҳаётий бўлиб чиққан.

Пьесадаги Ғулҳон ва Зуҳра образларини драматургнинг катта ижодий ютуғи десак бўлади. Бу образлар автор томонидан жуда усталик билан ҳаётий ва жонли буёқларда тасвирланган. Автор ўз қаҳрамонларини мардлик, меҳнатни севиш, софдиллик ва кучли ирода эгаси бўлиш каби олижаноб фазилатлар билан ҳаётий қилиб кўрсата олган. Айрим ўринларда уларнинг репликаларига аскиялар, кулгили ибораларни қўшиб, образларнинг тилини индивидуаллаштирган. Колхоз партия ташкилотининг секретари Ҳайдар образи анчагина пухта ишланган. Унинг кишилар билан қилган суҳбатларида, Ҳуррият нинг кўнглини очиш учун айтган ҳазил аралаш гапларида, одамлар билан муносабатида, ишёқмас ва дангаса Қосим ака бошлиқ бўйни йўғонлар билан суҳбатидаги сўзларининг кескин ва қатъийлигида жонлилик сезилиб туради. Лекин ўзи раҳбарлик қилаётган колхоздаги айрим воқеаларга аралашмасдан четда туриши (Ҳуррият ва коммунист Рихсивой ўртасидаги шахсий муносабатлар) бу образнинг тўлақонли бўлиб чиқишига анчагина путур етказади.

Асардаги ижобий қаҳрамонлар билан бир қаторда салбий хусусиятларга эга бўлган кишиларнинг образлари ҳам автор томонидан анчагина усталик билан тасвирланган. Айниқса колхознинг собиқ раиси Қосим ака образи жонли бўёқларда берилган. Қосим ака аслида ёмон одам эмас. Кейинги пайтларда ўз устида ишламасдан, шахсиятпарастликка берилиб, коллективдан, халқдан ажралиб қолган. У қишлоқ хўжалигидаги техниканинг ролига тушунуб етмайди, чигитни квадрат-уялаб экишга қарши чиқади. Ўзи раисликдан бўшатилиб, ўрнига колхоз бригадири Ҳуррият нинг раис қилиб сайланилиши Қосим ака учун бутунлай кутилмаган воқеадай бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам у Ҳуррият нинг устидан кулади, «қўғирчоқ» деб таъналар қилади. Кўпчилик олдида унинг обрўсини тўкмоқчи бўлади. Қосим аканинг жохиллик ва кўролмасликдан қилган бўхтонлари Ҳуррият нинг обрўсини туширимайди, аксинча ўзининг обрўси тўкилади, коллективнинг газабини оширади. Коллектив ва ҳақиқат уни тўғри йўлга солади. Қосим ака ва унинг таъсиридаги ишёқмас Пўлатжон, Соибжон, Асқар ва Холвойларнинг характеридаги ўзгаришлар, уларнинг тўғри йўлга тушиши драматург томонидан зўр маҳорат билан кўрсатилган.

Пьеса айрим нуқсонлардан ҳам ҳоли эмас. Асардаги Аббос образи асосан ижобий образ. Лекин унинг асар бошидаги айрим хатти-ҳаракатлари, мустаҳкам фикрга эга бўлмаслиги образ ижобий хусусиятларига путур етказади.

Шунингдек пьесадаги Эшон ака ва Дўндиқхон образлари устида ҳам бир оз тўхталиб ўтишга тўғри келади. Эшон ака Ҳуррият ҳақида игволар тарқатиб, жияни Рихсивойнинг юрагига рашк ўтини ёқиб, уларнинг иноқ ва ширингина ойласини бузади. Дўндиқхон ҳам шу мақсад билан Аббосни йўлдан уриб, севган йигити Рихсивойни ўзиники қилиб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун асар воқеаларини мураккаблаштириш учун керак бўлган бу юклар фақатгина Дўндиқхон образи орқалигина берилса анча дурустроқ бўлур эди. Бу пьесанинг комедия деб аталишига ҳам биз тўлиқ қўшила олмаймиз. Чунки асар ҳақиқий драма. Асардаги айрим кулгили ҳолатлар ёки ибораларни пьесани комедия деб аташга имконият бермайди.

Асарнинг тили ҳақида ҳам бирикки оғиз гапиришга тўғри келади. Пьесанинг тили анчагина пухта ишланган. Автор халқ мақол, матал ва ибораларидан унумли фойдаланган. Колхоз паррандачилик фермасининг мудири Пўлатжоннинг «жўжабирдек жонбиз», «тухумимиз қуриб кетмасин», «патимизни тўзитиб юборди» каби иборалари анча ўринли берилган.

Пьесанинг бадиий жиҳатдан етук, чуқур мазмунли саҳна асари бўлиб чиқишида, асар қаҳрамонларининг тугалланган тўлақонли даражасига кўтарилишида театр ижодий коллективининг хизмати катта. Чунки драматург театр коллективи билан ижодий ҳамкорликда ишлади ва иш процесси даврида пьесага кўпгина ўзгаришлар киритди.

Спектаклнинг ҳаётий ва қизиқарли бўлиб чиқишида пьесани саҳналаштирган театрнинг бош режиссёри Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳўжаевнинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Режиссёр Т. Ҳўжаев асар воқеаларининг динамик ривожланиб боришига алоҳида эътибор бериб, спектаклдаги эпизод ва кўринишларни бир-бири билан узвий боғлаб юборган ва булар спектаклнинг асосий ғоясини очиб беришга ёрдам берган. Натижада тамошабинлар спектакл дан бир бутун, тўла таассурот олиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари режиссёр ролларнинг тўғри бўлинишига ва актерларнинг ижрочилик маҳоратига алоҳида эътибор бериб, спектаклда ижрочилар ансамблини яратишга эришган.

Ҳуррият ролини ижро этган СССР халқ артистраси С. Эшонтўраева ўзининг ҳақиқатан ҳам моҳир саҳна устаси эканлигини яна бир марта намойиш қилди. Артист С. Эшонтўраева Ҳуррият образининг эволюцион ривожини, характерининг ўзгариш ва такомиллаш процессини жуда ишонарли қилиб кўрсатган. У қалбининг баҳордай мусаффо ва поклиги билан тамошабинларни ўзига мафтун қилади. Ҳуррият — С. Эшонтўраева эри Рихсивойнинг кўксига бошини қўйиб эркаланишида, кишилар билан муносабатларида, бировларнинг бўҳтон ва ноўрин таъналаридан руҳий азоб чекишларида ва умуман ўз ролини санъаткорона ўйнаши билан тамошабинларни беихтиёр ўзига мафтун қилади. Шунингдек Ҳуррият образи ЎзССР халқ артисти Х. Ҳўжаева ижросида ҳам ишонарли талқин этилган.

Спектаклдаги Ғулҳон ва Зуҳра образлари ҳам муваффақиятли чиққан. Ғулҳон — З. Садриева ва Зуҳра — Т. Султоновалар ижросида меҳнатсевар, сергайрат, шижоатли, колхозчи жувонлар образи сифатида гавдаланади. Уларнинг шўх ва қувноқликлари, ишчанликлари, соддаликлари, гапларининг ўткирлиги образ характерининг тўлиқроқ очилишига ёрдам беради.

Спектаклнинг муваффақиятли чиқишига Қосим ака ролини ижро этган Ўзбекистон ССР халқ артисти Л. Назруллаев ҳам ижодий ҳисса қўшган. Артист ўз қаҳрамонини спектаклнинг бошида ўжар, тажанг, шахсиятпараст, бағри тош, қуруқ дабдабани, бақириқ-чақириқни яхши кўрадиган киши қилиб кўрсатса, кейинги кўринишларда унинг характеридаги бурилишларни, коллективнинг таъсири остида ўз хатоларини тушунган, ишчан, меҳнатсевар, соф виждонли, қалбида оталик муҳаббати бор бир киши сифатида гавдалантиради. Артистнинг ҳовлиқиб юришлари, кишилар билан қўпол ва бақириб, қўлларини пахса қилиб ганлашишлари образнинг характеридан келиб чиққан. Чунки у аввал раислик вақтида шунга ўрганган. Қосим ака образи учун артист томонидан ўйлаб топилган бу янги образли бўёқлар Л. Назруллаевга образни янгича талқин қилишга имконият берган.

Бу албатта артистнинг ижодий уфқининг қанчалик кенглигидан дарак беради. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Аъзамов ижросида берилган колхоз паррандачилик фермасининг мудири Пўлатжон образи ҳам анча муваффақиятли чиққан. Актернинг комик маҳорати, текстдаги материалдан яхши фойдалана билиши, образ тилининг оригиналлиги Пўлатжон образининг жонли ва тўлақонли бўлиб чиқишини таъминлаган.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Обид Жалилов яратган Эшон ака образи ҳам кўп вақтгача тамошабинларнинг эсида сақланади. О. Жалилов — Эшон аканинг сунъий, қандайдир совуқ кулишлари, жияни ва Ҳуррият га қалбаки меҳрибонлиги, ўз мақсадига эришиш учун ёлғ[illegible]дан кўзёши тўкишлари бу ирвоз[illegible] хиёнатчининг ҳақиқий башараси[illegible] очиб беради.

Хулоса қилиб айтганда [illegible] қаҳчиликлардан қатъий назар [illegible]рият» спектакли театр ижо[illegible]лективининг катта муваф[illegible]ридан биридир.

Тешабо[illegible]

Суратда: Спектаклдан бир кўриниш. Чапдан Ғулҳон — З. Садриева, Ҳуррият — Х. Ҳўжаева, Зуҳра — Т. Султонова, Тўтихон — Л. Бадалова.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

Ердан ўтказгич сифатида фойдаланиш мумкин

Ўзбекистон фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг илмий ходимлари республикамиз халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган муҳим проблемалар устида тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Ўртоқ С. Шикин раҳбарлик қилаётган юқори вольтли кучланиш лабораториясининг илмий ходимлари электр энергиясидан рационал фойдаланиш йўлларини қидирмоқдалар. Бу ўринда лабораториянинг младший илмий ходими ўртоқ В. Непомнящий олиб борган тадқиқот диққатга сазоворлир.

Илмий ходим Мирзачўл ерлари шўр тупроғининг электр токини ўтказиш хусусиятларини бир йил мобайнида ўрганди. Махсус приборлар ёрдамида олиб борилган тадқиқот натижасида чўл тупроқларининг солиштирма электр қаршилиги картаси тузиб чиқилди. Ана шу картага мувофиқ Ўзбекистон қўриқ ерларининг кўпгина қисмида ердан ўтказгич сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланди. Электр қувватини узоқ масофага узатишда столбаларга иккита сим тортилади, учинчи «сим» — ўтказгич сифатида ер хизмат қилади. Бу янгилик электрлаштириш ишида металлнинг учдан бир қисмини иқтисод қилиш ва шунча миқдорда столбаларни тежаш имконини беради. Ҳозир Мирзачўлда ана шу янги усулда электрлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Қишлоқ мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

Паркент район марказида янги меҳмонхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. У кўп хонадан иборат бўлиб, ҳар бир хонада 3 тадан ўрин бор. Меҳмонлар учун бу ерда зарур шароитлар яратилган. Меҳмонхона ходимлари хизматидан туновчилар мамнун бўлишмоқда.

С. Холназаров.

СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ УЙЛАР

Боёвут районидаги 3-«Боёвут» совхозида ишчилар учун кўпгина янги типдаги уй-жой бинолари қурилмоқда. Қурилиш ишлари совхознинг 1 ва 3-бўлимларида қизғин бормоқда. Бу икки бўлимда яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган 30 га яқин янги уй-жой биноси битказилди. Ишчи оилалари ана шу уйларга кўчиб кирдилар.

Ю. Юсупов.

КОЛХОЗДА ШИФОХОНА

Тошкент районидаги «XX партсъезд» колхозининг 2-участкасида янги шифохона очилиб, ишга туширилди. Шифохона ходимлари бош врач Меҳри Комилова раҳбарлигида колхозчиларга намунали медицина хизмати кўрсатмоқдалар. Шу билан бирга улар аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, санитария-гигиена ҳақида суҳбатлар ўтказиш ва дала шийпонларида санитария постлари ташкил қилиш билан ҳам шуғулланмоқдалар.

Ғ. Абдуллаев,
З. Абдуллаева.

Тошкентдаги «Шарқ гули» артели тайёрлаган маҳсулотлар республикамизда машҳурдир. Бу ерда моҳир чеварлар томонидан тайёрланадиган сўзана, дўппи ва бошқа ипак ҳамда зар билан тикилган буюмларни харидорлар севиб сотиб оладилар. Артель маҳсулотлари бир неча марта халқаро виставка ва ярмаркаларда ҳам намойиш қилинган. Суратда: дўппи цехининг чеварлари иш устида.

М. Турсунхўжаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

БУНИ БИЛИБ ҚЎЙИШ ФОЙДАЛИ

ҚОРАҚУРТ

Республикамизнинг саҳро, серқум ёки соз тупроқли ерларида кишилар учун, айниқса ҳайвонлар учун жуда хавфли бўлган заҳарли ўргимчак — қорақурт яшайди.

Қорақуртлар шувоқли ўсимликлар илдизи остида қўёш нурига тобланиб ётадилар. Уларнинг катталиги 5 миллиметрдан 20-24 миллиметргача бўлади. Улар июнь, июль ойларида урчий бошлайдилар. Урғочи қорақурт наслини сақлаш учун ўсимлик орасига ёки айрим чуқурликда ўргимчак инидан ўзига уя ясаб олади. Ҳар бир ўргимчак инида 3 минг донагача нозисмон қорақурт тухуми урчиши мумкин. Тухумдан чиққан заҳарли маҳлуқчалар эса тезда ҳар томонга тарқалиб кетишади.

Қорақурт турли ҳашаротларни тутиб, қонини сўриб овқатланади. Қорақуртнинг заҳари сигир, от, туя ва эшакларга жуда тез таъсир қилади. Қорақурт чорвачилик учун энг хавфли зараркунанда ҳисобланади.

Қорақурт одамни ҳаққанида қаттиқ бадан оғриғи бошланади. Бош айланади, киши қайт қилади, титроқ босади ва нафас олиш оғирлашади. Бу, вақтида олди олинмаса, кишини бутунлай ҳалок қилади.

Шуниси қизиқки, қорақурт заҳри қўйга таъсир қилолмайди. Шунинг учун ҳам қорақурт кўп бўлган яйловларда қўй подалари боқилаверади.

Куйбишев номидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик институтида қорақурт заҳрига қарши ишлатиладиган анатоксин дориси ишлаб чиқилди. Бу препаратнинг яратилиши Мирзачўл ерларини ўзлаштириш билан боғлиқдир. Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар дастлабки кунларда соппа-соғ чорва молларининг тўсатдан ўлаётганлигини сездилар. Шундан сўнг институт олимлари бунга сабаб қорақурт эканлигини аниқладилар.

Профессор К. Чепуров ва И. Архангельский, доцент В. Шахотин, аспирант В. Миакаданян ўртоқлар гоят хавфли бўлишига қарамай минглаб қорақуртни тутдилар ва уларнинг заҳрини синчиклаб ўргандилар. Шундан сўнг улар жаҳон медицинаси практикасида қорақуртга қарши биринчи бўлиб универсал анатоксин препаратини яратдилар. Анатоксин вакцинаси қорақурт заҳрининг организмга таъсир қилмаслигини таъминлайди.

Анатоксинни тайёрлашда физиология эритмаларида ишланган ва бошқа кимёвий моддалар қўшиб тайёрланган қорақурт заҳри қўлланилади. Бу дорининг яратилиши қорақурт чаққан кишилар ва ҳайвонларни даволашда яхши натижа беради.

Р. СОЛИХОВ.

ЯНГИ МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ

Яқинда Мирзачўл шаҳрида бир миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, ҳашаматли клуб биноси қурилди. Бу бинонинг ишга туширилиши билан шаҳардаги ўн минглаб аҳолининг қиш пайтларида янги кинофильмларни ўз вақтида кўришлари, шунингдек хаваскорлик тўгараги қатнашчиларининг меҳнаткашларга тез-тез тамоша кўрсатишлари учун барча қулайликлар яратилди.

Клуб ёнида 300 ўринлик ёзлик кино-театр зали ҳам қурилиб битказилди. Клуб дирекцияси тамошабинларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан барча чораларни кўрмоқда.

Композиторнинг янги балети

Ўзбекистон ёшларига бағишланган «Раққоса» балети ва бир қанча фортепиано пьесаларининг автори бўлган композитор Георгий Мушель яқинда «Қизил лола» номли янги балет устидаги ижодий ишини тамомлади.

Хизмат кўрсатган санъат арбоби, тошкентлик композитор бу балетни драматурглар И. Анчаров ва М. Тропинина ўртоқлар билан ҳамкорликда яратган. Балет либреттосига хитой халқ эртаклари асос қилиб олинган. Композитор хитой мелодияларидан ижодий равишда кенг фойдаланиб, оригинал музика асари ёзган.

Янги балет Тошкент ва Ленинград театрлари саҳнасида қўйиш учун қабул қилинди.

Боку ва Тошкент штангачиларининг учрашуви

24 мартда Тошкент Давлат циркида Боку ва Тошкент штангачиларининг ўртоқлик учрашуви бўлди.

Майдонга биринчи бўлиб меҳмонлар командасининг аъзоси Мамедов чиқади. У, икки қўллаб жим қилишда 90 килограмм оғирликдаги штангани кўтарди. Тошкентлик спорт мастери Владимир Ли бу рақамни 102,5 га етказиб, меҳмондан ўтиб кетади. Шундан сўнг Владимир Ли 105 килограмм оғирликдаги штангани кўтариб, республикада янги рекордга эришади.

Ярим енгил вазнли Ю. Данилин (Тошкент) ҳам жамлаб ҳисоблаганда 322 килограммлик штангани кўтариб, ғолиб чиқди. Енгил вазнли Ҳусейнов эришган натижа ҳам (345 килограмм) диққатга сазовордир. Енгил вазнли Анпионов, ўрта вазнли Расческин (Тошкент) ва боқуликлардан Киселев, оғир вазнли Макеев ўртоқлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Қизғин кураш ва самимий дўстлик вазиятида ўтган бу мусобақада 4:2 ҳисоби билан Тошкент штангачилари ғалаба қозондилар.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ГРУППАСИ АНГЛИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Олий Совети депутатлари группаси 24 мартда «ТУ-104» самолетида Англиядан Москвага қайтиб келди. Группа составида қуйидагилар бор — СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси М. А. Суслов, СССР Олий Совети депутатлари Б. Н. Пономарев, П. А. Сатюков, Л. Н. Соловьев ва С. А. Скачков. Улар Англия-Рус парламент комитетининг таклифига биноан Англияда меҳмон бўлдилар.

Келганларни Внуково аэродромида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси П. П. Лобанов, СССР Парламент группаси раисининг ўринбосари И. А. Каиров, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети Ташқи ишлар комиссияларининг аъзолари Е. И. Афанасенко ва М. Б. Митин, СССР Олий Совети депутати Н. Г. Москатов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецовлар кутиб олдилар. (ТАСС).

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУДАПЕШТДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари А. Б. Арнстов бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси 24 мартда Будапештдан Совет Иттифоқига қайтиб келди. (ТАСС).

Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасида маданий ва илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида музокаралар

24 мартда Москвада чет мамлакатлар билан маданий алоқалар давлат комитетида Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасида 1959 йилда маданий ва илмий-техника ҳамкорлиги плани ҳақида музокаралар бошланди.

Музокараларда Англия делегациясига Британия кенгашининг СССР билан алоқа қилувчи комитети раиси Кристофер Мэйҳью бошчилик қилмоқда.

Совет делегациясига чет мамлакатлар билан маданий алоқалар давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков бошчилик қилади. (ТАСС).

АҚШДА РУС ТИЛИ ЎРГАНИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 24 март. (ТАСС). Қўшма Штатлардаги бир қанча телевидение станциялари рус тили ўқита бошладилар.

Миннеаполисда чиқадиган «Трибюн» газетасининг хабар беришича, телевидение орқали ҳар чоршанба куни кечқурун бир ярим соат давомида берилаётган рус тили дарслари зўр муваффақият қозонмоқда. «Шу программа жорий қилинганидан кейин ўтган икки ҳафта ичида, деб ёзади «Трибюн» газетаси, рус тили бўйича консультация сўраб ёзилган 4 мингга яқин хат ва бу тадбирдан хурсанд бўлиб ёзилган кўп хатлар олинди. Рус алифбесини ўрганиш, янги сўзларни ва улардан фойдаланишни ўрганиш учун бутун-бутун оилалар, қўшнилар бирга тўпланмоқдалар. Бу дарслар билан бизнесменлар, инженерлар ва ўқитувчилар ҳам қизиқмоқда».

Сўнгра «Трибюн» газетасининг таъкидлашича, бу программа раҳбарлари «телевидение орқали берилаётган рус тили дарси шунчалик катта қизиқиш туғдирганлигига ажабланмоқдалар» ва «Россия билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса ҳозирги кунда зўр қизиқиш туғдираётганлигини» таъкидламоқдалар. Газета Россия тўғрисида кўпроқ нарсани билишга интилиш ва «унинг аҳамиятини тобора кўпроқ англаш» ана шундай қизиқишни туғдирмоқда, деб таъкидлайди.

Араб мамлакатлари иттифоқи сиёсий комитетининг қарори

ҚОҲИРА, 25 март. (ТАСС). Араб мамлакатлари иттифокининг сиёсий комитети 31 мартда Байрутда ташқи ишлар министрлари даражасида мажлис ўтказади.

Араб мамлакатлари иттифоқининг кенгаши кеча Қоҳирада бўлиб ўтган мажлисда Сиёсий комитетнинг «Ҳозирги вақтда Ироқ Республикаси билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ҳамда арабларнинг бирлигига ва барча араб давлатларининг хавфсизлигига таҳлид қилувчи хавфлар ҳақида» қабул қилган қарорини маъқуллади.

Сиёсий комитет «Араб мамлакатлари иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг ташқи ишлар министрларига 31 мартда Байрутда Сиёсий комитет мажлисини шошилинч суратда ўтказиш ва бу масалани эътибор бериб муҳокама қилишни тавсия қилишга; иттифоқ аъзоси бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқларини бу ишда энг яқин вақт ичида ҳодис хизмат кўрсатишга даъват этишга» қарор қилди.

Бунган аввал эълон қилинганича, Ироқ Республикасининг ва Бирлашган Араб Республикасининг делегациялари бу қарорни маъқуллашда иштирок этмаган.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

24 мартда СССР Журналистлар союзи ташкилот бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда совет журналистларининг биринчи Бутииттифоқ съездига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар қараб чиқилди.

Мажлисда Москва шаҳар ташкилот бюросининг раиси А. Г. Баулин журналистларнинг биринчи Москва шаҳар конференциясига тайёргарликнинг борыши тўғрисида ахборот берди. Ҳозирги вақтда пойтахт ташкилоти сафларида 3.125 киши бор. Қуйи ташкилотларда журналистларнинг йиғилишлари ўтказилиб, бу йиғилишларда шаҳар конференциясига делегатлар сайланмоқда.

СССР Журналистлар союзининг ташкилот бюроси ҳузурида лекторлар группаси ташкил этилди. Бу группанинг бюроси тасдиқланди.

Голландия фотожурналистлар бирлашмасининг йил сайин ўтказиладиган традицион «Жаҳон пресс-фотоси» фотовиставкасида қатнашиш ҳақидаги таклифи қабул қилинди. Бу виставкага совет фотомухбирларининг 1958 йилдаги энг яхши ишлари танлаб олинади.

Москва, Карелия, Кабарда-Балкар, Шимолий Осетия Автоном Совет Социалистик Республикаларининг, Олтой ва Приморье ўлкаларининг, Воронеж, Иваново, Ленинград, Кострома, Челябинск, Тула, Брянск ва бошқа бир қанча областларининг матбуот ходимларидан катта группаси СССР Журналистлар союзига қабул қилинди. (ТАСС).

СУД ЗАЛИДАН

Таксидаги жиноят

В. Рошчин илгари ҳам безорилиги учун қамалган бўлиб, амнистия туфайли қамоқдан озод қилинган эди. Лекин у шундан сўнг ҳам ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, жиноий ишлар қила бошлайди.

У ўтган йилнинг декабрь ойида ўз шериклари билан Тошкент вокзалида такси машинасига ўтиради ва 3-таксамотор автобазасининг шофери Хомяковдан 10-трамвай охиридаги ишчилар шаҳарчасига олиб бориб ташлашни талаб қилади. Машина Уста-Ширин проездига етиб келгач, Рошчин ва унинг шериклари шофер Хомяковга пичоқ ўқталиб, ундан шу кунги тушган пулларни беришни талаб қилишади. Лекин шофер уларга пулни беришдан бош тортади. Шунда Рошчиннинг Коля исмли шериги Хомяковнинг бошига бир неча марта тош билан уриб, баданига жароҳат етказади. Шофер ёрдам сўраб қичқира бошлайди. Жиноятчилар ҳар томонга қочишади. Лекин В. Рошчин ушланади.

Мана, суд скамейкасида — жиноятчи В. Рошчин. У тергов материаллари ва гувоҳлар кўрсатмаси билан ўз жиноятига иқрор бўлишга мажбур бўлди. Суд мажлисида унинг жинояти тўла исботланди. Тошкент шаҳар Киров район 3-бўлим халқ суди уни 12 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

М. АҲМАДЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Киров район 3-бўлим халқ судининг раиси.

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛАМИЗ

Студентлар дружинаси

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти студентлари жамоат тартибини муҳофаза қилиш ишига анча вақтлардан буён жиддий эътибор бериб, Ленин район ижроия комитетининг милиция бўлимига кўмаклашмоқдалар.

Институтда студентлар орасидан кўпгина киши милицияга ёрдам берувчи бригадага аъзодир. Золотарев, Шепинев, Надёжнов каби студентлар оператив ходимлар билан муҳим топшириқларни бажаришда ҳам актив қатнашмоқдалар. Яширинча самогон қилиб сотиш билан шуғулланган шахслар ана шу студентларнинг ёрдами билан фош қилинди ва жавобгарликка тортилди.

Студентлар Ленинград шаҳрида кўнгилли халқ дружиналари тузилиши ҳақидаги хабарни эшитиб, бу ажойиб ташаббусга қўшилдилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг жамоат тартибини муҳофаза қилишга меҳнаткашларни жалб этиш ҳақидаги қарори чиққандан кейин институт партия ташкилоти студентларнинг йиғилишини ўтказди. Бунда халқ вакилларидан, шу жумладан студентлардан кўнгилли дружиналар тузиш ҳақидаги ташаббус қўллаб-қувватланди. Йиғилишнинг эртасигаёқ институт партия ташкилотига ўнлаб студентлар ариза бердилар. Улар жамоат тартибини муҳофаза қилувчи студентлар дружинасига қабул этишни илтимос қилганлар. Қисқа вақт ичида студентлардан Цикунов ва Нарашев бошчилигидаги дружиналар тузилди.

Студент дружиналарининг аъзолари жамоат тартибини сақлаш, ичкиликбозлик қилиб юрувчи, ахлоқсиз кишиларни тартибга чақириш билан бирга, институт территориясида патруллик ҳам қилмоқдалар. Бу ишда улар Ленин район ижроия комитетининг милиция бўлими ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг милиция бошқармаси билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

П. УШЧАПОВСКИЙ.

Мактаблардан дараклар

Чиноз районидаги Пушкин номли мактабда «Киев 16 — С — 2» маркали суратга олувчи киноаппарат сотиб олинди. Ўқувчилар бу аппарат билан мактаб ҳаётига оид кинохроника тайёрламоқдалар.

Р. Килимулин.

Янгийўл районидаги 7-мактабда тикувчилик тўгараги ташкил қилинди. 30 ўқувчи тажрибали тикувчи Л. Павлова раҳбарлигида чеварлик ҳунарини ўрганмоқдалар.

А. Иноғомов.

Тошкент шаҳридаги 15-ишчи-ёшлар мактабини бу йил 80 га яқин ўқувчи тамомлаб чиқади. Булар орасида аълочи ўқувчилардан Каримов, Содиқов, Фозиловлар ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам ортиғи билан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Кечки ишчи-ёшлар мактабини битириб чиқаётган ўқувчиларнинг бир қисми ўз ихтисоси бўйича политехника институтининг сиртқи бўлимига кириб ўқишга аҳд қилган.

М. Исмоилов,
М. Маҳмаров.

Боёвут районидаги 24-мактабда ўқувчиларнинг меҳнат бригадалари ташкил қилинди. «Дружба» совхози пахта экиш учун 25 гектар ер ва 2,5 гектар токзор ажратиб берди. Ўқувчилар токзорни парваришлаш ва чигит экишга тайёргарлик ишларини қизитиб юборишдилар.

З. Бойсинов.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕПОРТАЖ

ЯНГИ СПОРТ КЛУБИДА

Меҳмонхона номерларидан бирида.

Кўм-кўк майса билан қопланган стадиондан ўтиб, янги бино олдида тўхтадик. Унинг ташқи кўриниши содда бўлса ҳам мўъжазгина. Икки томонидаги зинапоя вестибюлга олиб чиқади. Стадион директори билан бироз суҳбатлашгач, хоналарни айлана бошладик.

— Кичик бўлса ҳам меҳмонхонамизни кўриб қўйинглар. Ҳар ҳолда узоқ-яқиндан келадиган спортчиларни стадионнинг ўзида жой билан таъминлайдиган бўлдик,— дели ўртоқ Тагиров бизни иккинчи қаватга бошлар экан. Дорожка тўшалган ихчамгина коридорнинг ўнг томонидаги хоналарга кирдик. Шинамгина безатилган ёруғ, озода уйлар. Қатор кроватларга ўрин тўшалиб, оппоқ чойшаблар ёпиб қўйилиб-зарур мебеллар билан таъминланган. Сўнгра кичик спорт залига кирдик. Залда спорт формасида ёш қиз ва болалар саф тортиб, тренернинг ҳарбир ҳаракатини диққат билан кузатиб туришибди. Улар устознинг буйруғи билан машқларни такрорлашарди.

Иккинчи қаватдаги қатор хоналарни айландик. Аёллар ва эркаклар учун махсус қийим алмаштириш хоналари, уларга чўмилиш учун махсус душлар ўрнатилган.

Катта спорт зали эътиборимизни тортди. Зал турли спорт инвентарлари билан жиҳозланган, машғулот учун ҳамма нарса тахт. Ихчам кийинган йигит-қизлар бири турникда, бири брусьеда мураккаб ҳаракатларни бир йигит тўпни «калла» қиларди. Оғир атлетика зали ҳам ўз эгалари билан банд. Бу ерда бокс учун ринг қилинган. Чарм қўлқопли икки ўсмир хўроздев бир-бирини «чўқиянти». Турли вазнлаги штангалар ҳам шу ерда. Ёшларнинг машғулотларидан мамнун бўлган ҳамроҳимиз кулиб деди:

— Клуб битиб, спортчиларимизнинг жони кириб қолди, тренировка учун жой бемалол.

Дарҳақиқат «Пахтакор» стадионида қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилган қишлик спорт клуби жисмоний тарбия билан шуғулланаётган ёшларни қувонтирди. Клубда спортнинг барча турлари бўйича машғулот ўтказиш имконияти бор. Бу ерда ёшларнинг маданий дам олишлари учун ҳам зарур чоралар кўрилган. Радиоузел мунтазам ишлаб турибди. Клуб ўзининг телефон станцияси ва врач кабинетига эга.

Янги спорт клубида ўқув-тренировка машғулотлари қув сайин қизғин тус олмоқда. Пойтахтимиз спортчилари бу йилги мавсумда бўладиган спорт мусобақаларига, СССР халқларининг II спартакиадасига астойдил тайёрланмоқдалар. Бу ерда физкультура институти студентларини, кураш бўйича республика терма командаси аъзоларини, спортнинг кўпгина тури бўйича машқ қилаётган ёшлар спорт мактаби ўқувчиларини ва бошқаларни учратиш мумкин.

Н. НАСИМОВ.

М. Нуриддинов фотолари.

Штангачилар машқ қилмоқдалар

Кичик спорт залида.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/III да кечқурун **Ҳуррият**, 27/III да кечқурун **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/III да кундуз **Маскарад**, кечқурун **Зайнаб ва Омон**, 27/III да кундуз **Риголетто**, кечқурун **Дилором.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/III да кундуз **Олтин кўл**, кечқурун **Равшан ва Зулҳумор.**

«ВАТАН» — кундуз ва кечқурун янги кенг экранли бадиий фильм **Биринчи ранг капитан.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун: 1 ва 2- залда **Мексика осмони тагида**, 3- залда **ЧП (Фавқулодда ҳодиса)** номли киноповестнинг 1 ва 2- серияси.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Тамбу Ламбу**, эрталаб 11-45 минут, кундуз 1 ярим, кеч 5 ва 6-45 минутда **Сашко**, кундуз 3-15 минутда **Хайрли соатда**, кеч 8 ярим ва 10-15 минутда **Ёшлик йиллари.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Мексика осмони тагида**, кундуз соат 2-50 минут ва кеч 5-50 минутда **ЧП (Фавқулодда ҳодиса)** номли киноповестнинг 2- серияси.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА мактаб ўқувчиларининг қишкул кунларига **кундузги спектакллар**

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

26, 31/III — **Юрак ёнмоғи керак.**
27/III да — **Ҳуррият.**
28/III да — **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**
29/III да — **Янги ер.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 26 мартдан бошлаб мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

БОЛАЛАР УЧУН КАТТА ТАМОШАЛАР

РСФСР халқ артисти **Ирина Буғримова** қўл остида **«10 арслон»** аттракциони, РСФСР да хизмат кўрсатган артист **И. Симадо** раҳбарлигида балансёр рекордчилар гастроли ва янги программада бошқа номерлар.

Кундузги тамошалар соат 1 да, кечки тамошалар соат 8 да бошланади. 29/III ва 5/IV да **уч мартадан тамоша** бўлади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да). Билетлар сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808. 136, Ишлаб чиқариш бўлими 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1558.